

ТОШКЕНТ ШАҲАР
ЮНУСОБОД ТУМАН
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА
“ЯГОНА ДАРЧА” ТАМОЙИЛИ
БЎЙИЧА
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ
МАРКАЗИ ТОМОНИДАН

2022 йил 8 июнда
РУЙХАТГА ОЛИНГАН

АЖ “UZBAT A.O.” ҚК
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
2022 ЙИЛ 27 МАЙДАН
ЙИЛЛИК УМУМИЙ
ЙИҒИЛИШИ ТОМОНИДАН
“ТАСДИҚЛАНГАН”

ТЕМУР ГАДАЙБАЕВ

АЖ “UZBAT A.O.” ҚКнинг
БОШ ДИРЕКТОРИ
(АЖ “UZBAT A.O.” ҚКнинг юмалок мухри)



АКСИYАDОРЛИК JАМИYАТИ “UZBАT А.О.”

QO'SHMA KORXONASI

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИРДА)

ТОШКЕНТ 2022

МУНДАРИЖА

МОДДА	БЕТ
ПРЕАМБУЛА	4
1. ТЎЛИҚ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ФИРМА НОМИ	6
2. УЗБАТ ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ	7
3. УЗБАТ ФАОЛИЯТИНИНГ МУДДАТИ	7
4. УЗБАТНИНГ РАСМИЙ ТИЛЛАРИ	7
5. УЗБАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ	7
6. УЗБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ХУҚУҚЛАРИ	10
7. ШЎЪБА, ТОБЕ ЖАМИЯТЛАР, ФИЛИАЛЛАР ВА ВАКОЛАТХОНАЛАР	11
8. ҲИССАЛАР ВА УЗБАТ УСТАВ ФОНДИ	11
9. УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ	14
10. УЗБАТ АКЦИЯЛАРИ. УЗБАТНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА СОТИБ ОЛИШ. АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДАГИ ИМТИЁЗЛИ ХУҚУҚ	15
11. ДАРОМАДЛАР (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ	18
12. УЗБАТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ	20
13. УЗБАТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	20
14. УЗБАТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	20
15. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИ	21
16. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ	22
17. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ХУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ..	24
18. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ	25
19. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ	28
20. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИНИНГ КВОРУМИ	29
21. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ	29
22. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИДА ОВОЗ БЕРИШ	31
23. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ	32
24. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ	33
25. УЗБАТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ	33
26. УЗБАТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ	35
27. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ВА КОТИБИ	36
28. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ	36

29. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН КВОРУМ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ	38
30. БОШ ДИРЕКТОР	38
31. УЗБАТ БОШ ДИРЕКТОРИ ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	39
32. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ВА БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	41
33. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ.....	42
34. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ҲИСОБОТИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ.	43
35. УЗБАТ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ: ТАФТИШЧИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ	43
36. ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ.....	45
37. ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАР ВА ТИЛ	45
38. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ	46
39. БИЛДИРИШНОМАЛАР	46

**AKSIYADORLIK JAMIYATI "UZBAT A.O." QO'SHMA KORXONASI USTAVI
(ЁПИҚ ТУРДАГИ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ
"UZBAT A.O." ҚЎШМА КОРХОНАСИНИНГ ҚАЙТА ТУЗИЛИШИ НАТИЖАСИДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН)**

ПРЕАМБУЛА

А. Ёпиқ турдаги УЗТАБАК А.Ж. ("УЗТАБАК") акциядорлик жамиятининг Устави ("Биринчи Устав") Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ 1994 йил 11 ноябрда рўйхатга олинган. УЗТАБАК Ўзбекистон Республикасидаги тамаки соҳаси корхоналарини бирлаштириш ва Ўзбекистон тамаки саноатини янада ривожлантириш мақсадида Учинчи томон – чет эл инвестор иштирокида, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат Қўмитаси ("ДМҚ") ва БАТ Ўзбекистон (Инвестментс) Лимитед ("ДМҚ тарафидан Тайинланган Шахс") томонидан тузилган.

В. 1994 йил 14 майда ДМҚ, БАТ (Бритиш Американ Тобако Компани Лимитед) ("БАТКо") ва БАТ Ўзбекистон (Инвестментс) Лимитед ("БАТ") Шартнома ("Сотиш тўғрисида Шартнома") туздилар, унга мувофиқ, хусусан, ДМҚ БАТга УЗТАБАК акцияларининг эллик бир (51%) фоизини сотишга розилик берди, БАТ эса ДМҚдан сотиб олишга рози бўлди. 24.04.1998 й. инкорпорация тўғрисидаги Сертификатга асосан БАТКо номи Бритиш Американ Тобако Компани (Инвестментс) Лимитед деб ўзгартирилган.

Сотиш тўғрисидаги Шартнома шартларига мувофиқ ДМҚ тарафидан Тайинланган Шахс ўзининг УЗТАБАКдаги ҳиссасини ДМҚга беришга рози бўлди ва УЗТАБАК акциядорлари ушбу корхонанинг номини "УЗБАТ А.О." деб ўзгартиришга қарор қилдилар. Тегишлича Тарафлар Биринчи Уставни тузатиш ва қайта кўриб чиқиш тўғрисида келишдилар, ва ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "УЗБАТ А.О." ҚКнинг Устави имзоланди.

"УЗБАТ А.О." ҚКнинг таъсисчилари: (i) Ўзбекистон Республикаси, 700003, Тошкент ш., Ўзбекистон к., 55 уй манзилида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулканинг эгаси ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси; (ii) БАТ Ўзбекистон (Инвестментс) Лимитед юридик шахс бўлиб, Англия қонунларига мувофиқ тузилган, ва Globe House, 1 Water Street, London, WC2R 3LA манзилда жойлашган.

Ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги "УЗБАТ А.О." ҚК Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.06.1994 йилдаги 309-сонли қарори билан ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, 22.11.1994 йилдаги рўйхатга олиш рақами 001246.

С. Ёпиқ шаклидаги ҚК "УЗБАТ А.О." акциядорлик жамиятида дастлаб барча акциялар Таъсисчилар орасида тақсимлаган эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги 382-ф сонли фармойиши, ДМҚнинг 2001 йил 27 июлдаги 218 к-пр-сонли буйруғи ва ДМҚнинг 2001 й. 29 октябрдаги 352 к-пр-сонли буйруғига асосан ДМҚ давлат улушидаги Акциялардан ТТФ, СФЗ ва УФЗ меҳнат жамоаси аъзоларига 93 253та Акцияларни сотди.

Д. БАТ 232.376.000 (икки юз ўттиз икки миллион уч юз етмиш олти минг) АҚШ долларини ("БАТнинг ҳиссаси") "УЗБАТ А.О." ҚКнинг Устав Фондига қўшимча инвестиция қилганидан сўнг, Устав Фондининг умумий миқдори 247 376 000 (икки юз қирқ етти миллион уч юз етмиш олти минг) АҚШ долларини ташкил этди, бу эса "УЗБАТ А.О." ҚК ташкил этиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича 5.689.648.000 (беш миллиард олти юз саксон тўққиз миллион олти юз қирқ саккиз минг) сўмга тенг бўлди. Устав Фонди 24.737.600 оддий

(одатдаги) эгаси ёзилган, номинал қиймати 10 (ўн) АҚШ долларига тенг бўлган Акцияларга бўлинган, бу эса "УЗБАТ А.О." ҚК ташкил этиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича бир дона акция учун 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг. Акциялар Акциядорлар орасида қуйидагича тақсимланган: ДМҚ – 641.747та Акция (2,59 %), БАТ – 24.002.600та Акция (97,03 %) ва меҳнат жамоасининг 750 аъзолари биргаликда 93.253та Акция (0,38%).

- Е.** «УЗБАТ А.О.» ҚК нинг Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг 2004 йил 27 ноябрдаги қарорига асосан меҳнат жамоаси аъзолари акцияларининг бир қисми "УЗБАТ А.О." ҚК томонидан, кейинчалик уларни муомаладан чиқариш ва "УЗБАТ А.О." ҚКнинг Устав Фондини камайтириш билан сотиб олинган. Натижада, "УЗБАТ А.О." ҚК Устав Фондининг умумий миқдори 246.568.870 (икки юз қирқ олти миллион беш юз олти миш саккиз минг саккиз юз етмиш) АҚШ долларини ташкил этди, бу эса "УЗБАТ А.О." ҚК ташкил этиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича 5.671.084.010 (беш миллиард олти юз етмиш бир миллион саксон тўрт минг ўн) сўмга тенг бўлди. Устав Фонди 24.656.887 (йигирма тўрт миллион олти юз эллик олти минг саккиз юз саксон етти) оддий (одатдаги) эгаси ёзилган, номинал қиймати 10 (ўн) АҚШ долларига тенг бўлган, бу эса "УЗБАТ А.О." ҚК ташкил этиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича бир дона акция учун 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг, Акцияларга бўлинган. Акциялар Акциядорлар орасида қуйидагича тақсимланган: ДМҚ - 641.747та Акция (2,60%), БАТ – 24.002.600та Акция (97,35%) ва меҳнат жамоасининг 126 аъзоси биргаликда 12.540та Акция (0,05%).
- Ғ.** Ўзбекистон Республикаси 26.04.1996 йилдаги 223-І -сонли (ўзгартириш ва қўшимчалар билан) "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 65-моддасига асосан "УЗБАТ А.О." ҚК Акциядорларнинг 2005 йил 21 майдаги Йиллик Умумий Йиғилиши "УЗБАТ А.О." ҚК ёпиқ акциядорлик жамиятини "УЗБАТ А.О." ҚК очик акциядорлик жамиятига ўзгартириш тўғрисида қарорни қабул қилди.
- Г.** 2005 йил 30 майдаги Акциядорларнинг Умумий Йиллик Йиғилиши қарорига асосан ОАЖ "УЗБАТ А.О." ҚК УЗБАТ акциядорларидан бир акциянинг номинал қиймати 230 сўм бўлган 1660 та ОАЖ "УЗБАТ А.О." ҚКнинг оддий акцияларини сотиб олди. Акцияларни сотиб олиш ҳолати Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда "ВАҚТ" Миллий депозитарий томонидан рўйхатга олинган. Барча сотиб олинган акциялар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан пули қайтариб берилган. Бунинг натижасида ОАЖ "УЗБАТ А.О." ҚК Устав фондининг умумий миқдори 246.552.270 (икки юз қирқ олти миллион беш юз эллик икки минг икки юз етмиш) АҚШ долларини ташкил қилди, бу эса "УЗБАТ А.О." ҚК ташкил этилиш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича 5.670.702.210 (беш миллиард олти юз етмиш миллион етти юз икки минг икки юз ўн) сўмга тенг. Устав фонди 24 655 227 (йигирма тўрт миллион олти юз эллик беш минг икки юз йигирма етти) ҳар бирининг номинал қиймати 10 (ўн) АҚШ долларига тенг бўлган оддий акцияларга бўлинган, бунда бир дона акция 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг. Акциялар Акциядорлар ўртасида қуйидагича тақсимланган: ДМҚ – 641 747 Акция (2,603 %), БАТ – 24 002 600 Акция (97,353%) ва 116 та меҳнат жамоаси аъзолари биргаликда 10 880 Акцияга (0,044 %) эгаллик қилади.
- Н.** ОАЖ "УЗБАТ А.О." ҚК очик акциядорлик жамияти шаклидаги Ўзбек-Британия қўшма корхонаси Уставининг аввалги таҳрири ОАЖ "УЗБАТ А.О." ҚКнинг 2007 йил 14 апрелдаги Акциядорларининг Йиллик Умумий Йиғилишида тасдиқланган. (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 23.04.2007 йилдаги Баённома асосида рўйхатга олинган).

Уставнинг бундай аввалги таҳририга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган: 07.07.2008 йилдаги Баённома, 15.12.2008 йилдаги Баённома, 24.03.2009 йилдаги Баённома ва 20.01.2011 йилдаги Баённома.

- I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4483-сонли 13.11.2012 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонининг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
- J. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.02.2016 й. “Республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-2492 сонли Қарорига мувофиқ ташкил топган “Ўзбекиозиковкатхолдинг” холдинг компаниясига АЖ “УЗБАТ” ҚК давлат акциялари пакети топширилган”.
- K. 2014 йил 6 май куни “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда тасдиқланди (2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги” Қонун). Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, очик акциядорлик жамияти шаклидаги ОАЖ “УЗБАТ А.О.” ҚКнинг Уставига янги Қонуннинг талабларини акс эттирувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш лозим.
- L. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика озиқ - овқат саноатини жадал ривожлантириш ва аҳолини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармонига мувофиқ Но. 09.09.2020 - йилдаги ПҚ-4821-сонли ("ПҚ-4821"), "Ўзбекиозиковкатхолдинг" ХК ни тугатиш ва "Ўзбекиозиковкатхолдинг" ХК ни тугатиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.
- M. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 сентябрдаги 581-сонли "Озиқ-овқат саноатини бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги мувофиқ ва 23.09.2020-сонли ва ПҚ – 4821-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига қарашли ташкилотларнинг устав фондларидаги давлат аксиялари ўтказилади.
- N. Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси томонидан 2021-йил 18-июн ҳолатига берилган компаниянинг "УЗБАТ А.О." ҚКси аксиядорлари реестрига мувофиқ "УЗБАТ А.О." ҚКси Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш агентлиги ҳисобланади.
- O. Ушбу Уставининг янги таҳрири АЖ “УЗБАТ А.О.” ҚКси Акциядорларининг Йиллик умумий йиғилишида 2022 йил 27 май куни тасдиқланган.

1. ТЎЛИҚ ВА ҚИСҚАРТИРИЛГАН ФИРМА НОМИ

Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида	-	Aksiyadorlik Jamiyati “UZBAT A.O.” qo’shma korxonasi
Рус тилида	-	Акционерное Общество Совместное

Предприятие «УЗБАТ А.О.»

Инглиз тилида - Joint Venture “UZBAT A.O.” in the form of a Joint Stock Company

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида - AJ “UZBAT A.O.” QK

Рус тилида - АО СП «УЗБАТ А.О.»

Инглиз тилида - JSC JV “UZBAT A.O.”

Бу ерда ва кейинчалик Aksiyadorlik Jamiyati “UZBAT A.O.” qo’shma korxonasi “УЗБАТ” деб номланади.

Агар Бритиш Американ Тобакко (“БАТ”) бевосита ёки билвосита УЗБАТ акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 50 (эллик) фоизга эгалик қилиш ҳуқуқини йўқотса, ва агар бу тўғрисида БАТ ёзма равишда УЗБАТнинг бошқа Акциядорларига маълум қилса, у ҳолда ёзма баён олинганидан сўнг УЗБАТнинг бошқа Акциядорлари 6 (олти) ой давомида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ва фақат БАТ ҳисобидан шундай ҳаракатларни амалга оширадилар, шу мақсаддаки: (i) УЗБАТ номи унда ВАТ ёки БАТ ҳарфлари ҳар қандай кетма-кетликда ишлатилмаслиги учун ўзгартирилиши, ва (ii) УЗБАТ ўзининг хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳолда инглиз, рус ва ўзбек тилларида ВАТ ёки БАТ ҳарфларидан ҳар қандай кетма-кетликда фойдаланишдан воз кечиши лозим.

2. УЗБАТ ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ

- 2.1. УЗБАТ жойлашуви (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Минор тор кўчаси, 77.
- 2.2. УЗБАТнинг электрон почта манзили: uzbat_info@bat.com.
- 2.3. УЗБАТнинг веб-сайти манзили: www.bat.uz

3. УЗБАТ ФАОЛИЯТИНИНГ МУДДАТИ

УЗБАТ фаолиятининг муддати чекланмаган.

4. УЗБАТНИНГ РАСМИЙ ТИЛЛАРИ

УЗБАТ ҳужжатларида фойдаланиладиган расмий тиллар рус, ўзбек ва инглиз тилларидир.

5. УЗБАТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

- 5.1 УЗБАТ – тамаки маҳсулотлари, янги авлод никотин маҳсулотлари ва тамаки иситириш тизимлари билан таъминлайдиган кўп тоифали компания-истеъмолчилар саломатлиги ва атроф-муҳит учун потенциал камроқ хавфга эга бўлган оригинал БАТ технологияси. УЗБАТ фаолиятининг мақсади тамакини етиштириш, қайта ишлаш/ферментация қилиш, сотиш, импорт ва экспорт қилиш, шунингдек тамака ва никотин ўз ичига олган маҳсулотларни ишлаб чиқариш сотиш, импорт қилиш,

экспорт қилиш, сотиш ва сотиш билан боғлиқ тадбирлар орқали фойда олишдир. УЗБАТ шунингдек асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолият билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шуғулланиши мумкин.

- 5.2 Мазкур уставнинг 5.1-моддасида УЗБАТнинг белгилаб берилган мақсадларини амалга ошириш учун, УЗБАТ фаолиятининг предмети (асосий йўналишлари) қуйидагилардан иборат бўлади:
- 5.2.1 корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;
 - 5.2.2 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориш;
 - 5.2.3 ўз маҳсулотлари ва хизматлари нархларини ва олди-сотди шартларини мустақил равишда белгилаш;
 - 5.2.4 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида мустақил равишда ёки воситачилар орқали нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таянган ҳолда улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш;
 - 5.2.5 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида барча турдаги товар ва мол-мулкни (моддий ва номоддий, кўчмас ёки кўчар) ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қуриш, сотиб олиш, битимлар тузиш, ижарага олиш ёки бошқа йўллар билан олиш ва/ёки сотиш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, ёки юқорида кўрсатилган мулкдан бошқа ҳар қандай йўл билан фойдаланиш ёки эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа бировга бериш;
 - 5.2.6 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида мустақил равишда ҳар қандай шахслар билан шартнома ва битимлар тузиш ва тижорат ҳамда хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ва ўз зиммасига исталган турдаги мажбуриятларни олиш;
 - 5.2.7 ҳар қандай турдаги хизматларни, жумладан маслаҳат, маъмурий ва брокерлик хизматларини кўрсатиш;
 - 5.2.8 5.1-моддада кўрсатилган УЗБАТнинг тижорат фаолияти ва асосий вазифалари билан мувофиқлаштирилган ва зарур бўлган импорт ва экспорт операцияларини мустақил равишда ёки воситачилар орқали Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга ошириш;
 - 5.2.9 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида ширкатлар, қўшма корхоналар, ассоциациялар, консорциумлар ва ҳоказоларни ташкил этиш бўйича бошқа корхоналар билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шартномалар тузиш ёки уларни бекор қилиш;
 - 5.2.10 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида Ўзбекистон Республиканинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш;
 - 5.2.11 товар ва валюта биржалари ишларида қатнашиш;
 - 5.2.12 маблағни қарзга олиш ёки маблағ йиғишни ташкил этиш, ёки УЗБАТ мажбуриятлари бўйича исталган шахсга гаров бериш, ёхуд қарздорнинг молига тақиқ қўйиш йўли билан;
 - 5.2.13 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида УЗБАТ маблағларини сармоя қилиш, шунингдек сармоялар, акциялар, кредитлар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш ва/ёки ўтказиш, айирбошлаш ёхуд улардан бошқа йўллар билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фойдаланиш;

- 5.2.14 УЗБАТ фондларини УЗБАТ ва ҳар қандай шўъба корхонанинг хўжалик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун ишлатиш;
- 5.2.15 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ исталган шахсга пул маблағларини кафолатли ёки кафолатсиз тарзда, исталган қулай шароитда қарзга ёки аванс шаклида бериш ёки бошқа тарзда кредит бериш;
- 5.2.16 ҳар қандай мулкни УЗБАТнинг ёки бошқа ҳар қандай шахснинг шартнома ва мажбуриятларини бажариш мажбуриятлари ёки қарздорнинг мол-мулкига тақиб қўйиш ҳуқуқи билан кафолатлаш;
- 5.2.17 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ УЗБАТнинг ҳар қандай акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, исталган шахсга нақд пулга ёки нақд пулсиз сотиш ва шундай қимматли қоғозларни сотиш юзасидан ҳар қандай битимлар тузиш;
- 5.2.18 ишончномалар бериш;
- 5.2.19 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида исталган савдо маркалари, номлар, хизмат кўрсатиш белгилари, дизайн, патент, ихтиролар, ноу-хау ва бошқа ҳар қандай интеллектуал мулкни рўйхатга олиш учун ариза бериш, рўйхатдан ўтказиш, сотиб олиш ёки бошқа йўл билан олиш, сотиш, лицензиялаш, бошқаларга бериш, савдо билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шуғулланиш;
- 5.2.20 ҳар қандай шахсни ишга ёллаш, ҳар қандай мансабдор шахс ёки ходимга ёки УЗБАТнинг собиқ мансабдор шахси ёки ходимига ёхуд уларнинг қариндошлари ёки қарамоғидаги шахсларга маош, пенсия ва бошқа нафақалар тўлаш, пенсия, нафақалар, мукофотлар тўлаш ва рағбатлантириш бўйича режаларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- 5.2.21 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ талафотлар, хавф-хатардан ва жавобгарликнинг бошқа турларини суғурта қилдириш;
- 5.2.22 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида кўргазма ва аукционлар ташкил этиш, уларда қатнашиш ҳамда шу каби бошқа фаолият билан шуғулланиш;
- 5.2.23 хайрия ва ҳомийлик бадаллари киритиш ҳамда соғлиқни сақлаш, маданият ва фанга маблағ ажратиш;
- 5.2.24 Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида раҳбар, вакил, пудратчи ёки бошқа шахс сифатида, мустақил ёки бошқа шахслар билан ҳамкорликда ҳамда воситачилик билан, ёхуд вакил, иккиламчи пудратчи, шўъба компания ёки ваколатхона орқали ёки бошқа тарзда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қилиш;
- 5.2.25 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ УЗБАТда тиббий пунктлар ташкил қилиш йўли билан тиббий ёрдам кўрсатиш;
- 5.2.26 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ радиостанциялар ўрнатиш ва уларни ишлатиш;
- 5.2.27 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ лотереялар, реклама кампанияларини ўтказиш;
- 5.2.28 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини чиқаришни ташкил қилиш;
- 5.2.29 телекоммуникация тармоқларини, маълумотлар узатиш тармоқларини, шунингдек дастурлаш ахборот технологияларини лойиҳалаштириш, куриш ва ишлатиш соҳасида хизматлар кўрсатиш;

5.2.30 савдо, воситачилик, ва савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан экспорт қилиш; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқари ҳудудларда ҳам маҳаллий, ҳам чет эл валютасига товарлар (хизматлар) сотиб олиш/сотиш;

5.2.31 Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа фаолият билан шуғулланиш.

Амалга оширилиши учун махсус рухсатномалар (лицензиялар) талаб этиладиган фаолият турлари қонунчиликда белгиланган тартибда лицензиялар берилганидан сўнг амалга оширилади.

6. УЗБАТНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ВА ХУҚУҚЛАРИ

6.1 УЗБАТ “УЗБАТ А.О.” ҚК ёпиқ акциядорлик жамиятини қайта ташкил этиш натижасида тузилган бўлиб, юридик шахс мақомига эга. УЗБАТ ўз фаолиятини ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширади.

6.2 УЗБАТ ёпиқ акциядорлик жамияти “УЗБАТ А.О.” ҚКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

6.3 Ушбу Устав асосида УЗБАТнинг номи (очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги “УЗБАТ А.О.” Қўшма Корхонасидан Акциядорлик жамияти шаклидаги “УЗБАТ А.О.” Қўшма Корхонасига) ўзгариши натижасида, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолинади.

6.4 УЗБАТ юридик шахс сифатида хўжалик, молия, ташкилий ва ҳуқуқий мустақилликка эга, ўз фаолиятини ўзини-ўзи бошқариш ва мустақиллик тамойиллари асосида амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ҳисоб рақамларини, чет эл ва маҳаллий валютадаги ҳисоб рақамларни очиш ҳуқуқига эга, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Буюк Британияда бухгалтерия ҳисобини олиб боришни умум тан олинган амалиётига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориши ва баланс ҳисоботларини тузиши, фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботлар тузиши, статистика ва молия ҳисоботларини рус, ўзбек ва инглиз тилларида тузиши лозим; суд мажлисида ёки арбитражда даъвогар, жавобгар ёки бошқа тараф бўлиш, ва/ёки судга, маъмурий идораларга ёки арбитражга ишни кўриб чиқиш тўғрисида аризалар билан мурожаат қилиши; Ўзбекистон Республикаси ва унинг ташқарисида суд, маъмурий идора ёки арбитражда ўзини-ўзи ҳимоя қилиш, қатнашиш ва ҳар қандай ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

6.5 УЗБАТ ўз номи акс эттирилган юмалоқ муҳр ва бланкларга, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган маҳсулот белгиси ва бошқа кўринишдаги идентификация белгиларига эга бўлишга ҳақли.

6.6 УЗБАТ акциядорлик жамияти ҳисобланиб, ўз мажбуриятлари бўйича фақат УЗБАТга тегишли бўлган мулк доирасида жавобгарликни ўз зиммасига олади. УЗБАТ Акциядорлари УЗБАТнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва уларга тегишли бўлган акциялар қиймати доирасида УЗБАТ фаолияти билан боғлиқ бўлган зарарларни кўрадилар. УЗБАТ Акциядорларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. УЗБАТ акциядорлари УЗБАТга мажбурий кўрсатмалар беришга ҳақли эмаслар.

6.7 Давлат ва унинг органлари УЗБАТ мажбуриятлари бўйича, УЗБАТ ҳам ўз ўрнида давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

7. ШЎЪБА, ТОБЕ ЖАМИЯТЛАР, ФИЛИАЛЛАР ВА ВАКОЛАТХОНАЛАР

УЗБАТ Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида ва бошқа мамлакатларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари, филиаллар ва ваколатхоналарни ташкил қилиш ҳуқуқига эга.

8. ХИССАЛАР ВА УЗБАТ УСТАВ ФОНДИ

- 8.1 УЗБАТнинг Устав Фонди Акциядорлар сотиб олган УЗБАТ акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. УЗБАТ чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши шарт.
- 8.2 УЗБАТнинг Устав Фонди унинг мол-мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди.
- 8.3 УЗБАТнинг ҳар бир қатнашчиси УЗБАТ акцияларини сотиб олганидан сўнг ушбу Уставдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ва кейинчалик **“Акциядор”** деб номланади.
- 8.4 УЗБАТ оддий акциялар билан бир қаторда имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир, бунда имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати УЗБАТ Устав Фондининг 20% (йигирма фоиз) дан ошмаслиги лозим.
- 8.5 УЗБАТ мол-мулки Устав Фондига киритилган хиссалар, хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, олинган даромад, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида йўл қўйиладиган бошқа асослар бўйича олинган бошқа мол-мулкдан ташкил топади.
- 8.6 УЗБАТ Устав Фонди 5.668.938.110 (беш миллиард олти юз олтмиш саккиз миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг бир юз ўн) сўмни ташкил қилади, бу эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг УЗБАТ ташкил қилиниши кунидаги курс бўйича 246.475.570 (икки юз қирқ олти миллион тўрт юз етмиш беш минг беш юз етмиш) АҚШ долларига тенг.
- 8.7 УЗБАТнинг умумий акциялари сони 24.647.557 (йигирма тўрт миллион олти юз қирқ етти минг беш юз эллик етти)та оддий акция бўлиб, бир дона акциянинг номинал қиймати 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг, бу эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг УЗБАТ ташкил қилиниши кунидаги курс бўйича 10 (ўн) АҚШ долларига тенг.
- 8.8 УЗБАТнинг юқоридаги 8.6. бандда кўрсатиб ўтилган Устав Фонди қуйидагича ташкил қилинган:
 - 8.8.1. УЗБАТ очиқ акциядорлик жамияти “UZVAT A.O.” ҚК ЁАЖнинг қайта ташкил этиш натижасида тузилгани ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисоблангани муносабати билан, УЗБАТнинг Устав Фонди “UZVAT A.O.” ҚК ёпиқ акциядорлик жамияти Акциядорлари томонидан акцияларни сотиб олиш ҳисобидаги хиссаларидан қуйидагича шаклланган:

Қуйидагилар асосида:

- 02.10.95й. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Навбатдан Ташқари Йиғилиш Баённомаси (06.10.95й. 89-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 18.03.96й. 3-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаш Баённомаси (27.03.96й. 117-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),

- 10.07.96й. 4-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаш Баённомаси (19.07.96й. 146-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 06.11.96й. 5-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаш Баённомаси (20.11.96й. 185-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 14.03.97й. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши Баённомаси (08.04.97й. 222-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 28.05.97й. 6-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (03.07.97й. 246-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 15.09.97й. 7-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (25.09.97й. 270-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 20.10.98й. 8-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (03.11.98й. 383-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 15.03.99й. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши Баённомаси (18.03.99й. 421-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 06.08.99й. 9-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (19.08.99й. 465-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 28.06.00й. УЗБАТ Акциядорларининг Йиллик Умумий Йиғилиши Баённомаси (11.07.00й. 558-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 29.10.01й. УЗБАТ Акциядорларининг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши Баённомаси (28.02.02й. 723-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 19.11.02й. 1/2002-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (05.12.02й. 800-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 11.07.03й. 2-SB/2003-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (24.07.03й. 864-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 24.12.03й. 3-SB/2003-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (29.12.03й. 922-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 19.07.04й. 2-SB/2004-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши баённомаси (28.07.04й. 1010-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 15.11.04й. 4-SB/2004-сонли УЗБАТ Кузатув Кенгаши Баённомаси (24.11.04й. 1057-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),

- 27.11.04й. УЗБАТ Акциядорларининг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши Баённомаси (13.12.04й. 1064-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган),
- 27.11.04й. УЗБАТ Акциядорларининг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши Баённомаси (16.03.05й. 1102-сонли Баённома асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган).

УЗБАТ ташкил қилиниш санасида УЗБАТ Устав Фондининг миқдори 5.671.084.010 (беш миллиард олти юз етмиш бир миллион саксон тўрт минг ўн) сўмни ташкил этди. ЁАЖ “УЗБАТ А.О.” ҚК УЗБАТга қайта ўзгариши натижасида УЗБАТ ташкил қилиниши вақтида УЗБАТнинг умумий акциялари сони 24.656.887 (йигирма тўрт миллион олти юз эллик олти минг саккиз юз саксон етти)та оддий акцияни ташкил қилди, бир дона акциянинг номинал қиймати 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг.

УЗБАТ акциялари Акциядорлар ўртасида ЁАЖ “УЗБАТ А.О.” ҚК қайта ташкил этилиши натижасида УЗБАТни ташкил этиш вақтида қуйидагича тақсимланган:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг улуши 147 601 810 (бир юз қирик етти миллион олти юз бир минг саккиз юз ўн) сўм/641 747 (олти юз қирик бир минг еттиз юз қирик етти) дона оддий акция, бу УЗБАТ Устав Фондининг 2,60% ташкил қилади;
- БАТнинг улуши 5 520 598 000 (беш миллиард беш юз йигирма миллион беш юз тўқсон саккиз минг) сўмни ташкил этади. БАТга 24.002.600 (йигирма тўрт миллион икки минг олти юз) дона оддий акция тегишли бўлиб, бу УЗБАТ Устав Фондининг 97,35%ини ташкил қилади;
- ТТФ, СФЗ ва УФЗлар меҳнат жамоалари аъзоларининг улуши 2 884 200 (икки миллион саккиз юз саксон тўрт минг икки юз) сўм/ТТФ, СФЗ ва УФЗлар меҳнат жамоалари аъзоларига 12.540 (ўн икки минг беш юз қирик) дона оддий акция тегишли бўлиб, бу УЗБАТ Устав Фондининг 0,05% ташкил қилади.

8.8.2. 2005 йил 30 май Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиш Баённомасидаги қарорларнинг (XII) бандига асосан, УЗБАТ корхона акциядорларидан УЗБАТнинг 1660 та оддий акцияларини номинал қиймати 230 сўмдан сотиб олди. Акцияларни сотиб олиш ҳолати Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда “ВАҚТ” Миллий депозитарий томонидан рўйхатга олинган. Барча сотиб олинган акциялар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан пули қайтариб берилган. Бунинг натижасида УЗБАТнинг Устав фонди ҳамда УЗБАТнинг эгаси ёзилган оддий акциялар сони қуйидагича камайтирилган:

УЗБАТнинг Устав фонди 5.670.702.210 (беш миллиард олти юз етмиш миллион етти юз икки минг икки юз ўн) сўмни ташкил қилган, бу эса УЗБАТ ташкил қилиниш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича 246.552.270 (икки юз қирик олти миллион беш юз эллик икки минг икки юз етмиш) АҚШ долларига тенг.

УЗБАТ акцияларининг умумий сони 24.655.227 (йигирма тўрт миллион олти юз эллик беш минг икки юз йигирма етти) донасининг номинал қиймати 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг бўлган оддий Акцияларни ташкил этган, бу эса УЗБАТ ташкил қилиниш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича бир дона акция учун 10 (ўн) АҚШ долларига тенг. Акциялар Акциядорлар ўртасида қуйидагича тақсимланган: ДМҚ – 641.747 Акция (2,603 %), БАТ – 24.002.600 Акция (97,353%) ва 10.880 Акция (0,044 %) 116 та меҳнат жамоаси аъзоларида.

8.8.3. 2008 йил 6 декабрдаги Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши Баённомаси қарорларининг (I) бандига асосан, УЗБАТ корхона акциядорларидан УЗБАТнинг 7 670 та оддий акцияларини номинал қиймати 230 сўмдан сотиб олди. Акцияларни сотиб олиш ҳолати Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда “ВАҚТ” Миллий депозитарий томонидан рўйхатга олинган. Барча сотиб олинган акциялар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан пули қайтариб берилган. Бунинг натижасида УЗБАТнинг Устав фонди ҳамда УЗБАТнинг эгаси ёзилган оддий акциялар сони қўйидагича камайтирилган:

УЗБАТнинг Устав фонди 5.668.938.110 (беш миллиард олти юз олти миш саккиз миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг бир юз ўн) сўмни ташкил қилган, бу эса УЗБАТ ташкил қилиниш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича 246.475.570 (икки юз қирқ олти миллион тўрт юз етмиш беш минг беш юз етмиш) АҚШ долларига тенг;

УЗБАТ акцияларининг умумий сони 24.647.557 (йигирма тўрт миллион олти юз қирқ етти минг беш юз эллик етти) донасининг номинал қиймати 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг бўлган оддий Акцияларни ташкил этган, бу эса УЗБАТ ташкил қилиниш санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилаган курс бўйича бир дона акция учун 10 (ўн) АҚШ долларига тенг. Акциялар Акциядорлар ўртасида қуйидагича тақсимланган: Ўзбекистон Республикаси Давлат активларни бошқариш агентлиги– 641.747 Акция (2,604 %), БАТ – 24.002.600 Акция (97,383 %) ва 3.210 Акция (0,013 %) 46 та жисмоний шахс-акциядорларда.

8.8.9. Мазкур Уставнинг 8.8.3. бандида кўрсатилган Акциядорлар ўртасида акцияларнинг тақсимланиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар томонидан акцияларни тасарруфдан чиқариш натижасида ўзгариши мумкин, бунда УЗБАТ Уставига бу масалага оид ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритиш талаб этилмайди.

9. УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

9.1 Устав Фондини кўпайтириш:

9.1.1 УЗБАТнинг Устав Фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

9.1.2 УЗБАТ қўшимча акцияларни УЗБАТ Уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштириши мумкин.

9.1.3 Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан УЗБАТ Устав Фондини кўпайтириш ва ушбу Уставга тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарор УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади. Агар Кузатув Кенгаши бу масалалар бўйича бир овоздан битта қарорга кела олмаса, бундай қарор УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши томонидан ушбу Устав ва қонунда белгилаб қўйилган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

9.1.4 Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан УЗБАТ Устав Фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда қўшимча жойлаштириладиган қўшимча оддий ва имтиёзли акцияларнинг миқдори, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Уставга мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорлар учун УЗБАТнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим. УЗБАТ устав

фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорда рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур уставда кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган кўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак. УЗБАТ Устав Фонди ўз капитали, УЗБАТнинг кўшимча акциялар билан тўлаб берилиши бўйича қарор қабул қилинган дивидендлари ҳисобига кўпайтирилганда кўшимча акциялар тўлаб берилган ҳолда, бундай акцияларнинг жойлаштирилиши УЗБАТ акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

9.1.5 УЗБАТнинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, УЗБАТнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. УЗБАТнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига муносиб равишда тақсимланади. УЗБАТнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, УЗБАТнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

9.2 Устав Фондини камайтириш:

9.2.1 УЗБАТ Устав Фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда УЗБАТ томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

9.2.2 Ушбу Уставга мувофиқ акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва бекор қилиш йўли билан УЗБАТ Устав Фондини камайтиришга руҳсат берилган.

9.2.3 УЗБАТ Устав Фондини камайтириш ва Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор, шунингдек, УЗБАТ Устав Фондини камайтириш тартиби УЗБАТ Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан қонунчиликка мувофиқ қабул қилинади.

10. УЗБАТ АКЦИЯЛАРИ. УЗБАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА СОТИБ ОЛИШ. АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШДА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚ.

10.1 УЗБАТ қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатга олиш, жойлаштириш, ва улар бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Уставга мувофиқ белгиланади.

10.2 УЗБАТ акциялар, облигациялар ва қонун ҳужжатлари билан ман қилинмаган бошқа қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқига эга.

10.3 УЗБАТ ҳар бирининг номинал қиймати икки юз ўттиз (230) сўмлик акцияларни чиқаради.

10.4 Мазкур Уставнинг 8.7-бандига мувофиқ УЗБАТ 5.668.938.110 (беш миллиард олти юз олтмиш миллион тўққиз юз ўттиз саккиз минг бир юз ўн) сўмлик ҳар бирининг номинал қиймати 230 (икки юз ўттиз) сўмга тенг бўлган 24.647.557 (йигирма тўрт миллион олти юз қирқ етти беш юз эллик етти) та оддий акцияни чиқарди.

10.5 УЗБАТ ўз акцияларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг қоида ва талабларига мувофиқ қоғозсиз (нақдсиз) шаклда муомалага чиқаради.

- 10.6 УЗБАТ Акциядорлар Реестри Ўзбекистон Республикаси Марказий Депозитарийси томонидан шакллантирилади, у қонун билан белгиланган тартибда қимматли қоғозлар эгалари депо ҳисоблари ҳолати бўйича марказий регистратор вазифасини бажариб келади.
- 10.7 Акциядорларнинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш хизматларини кўрсатувчи депозитарий, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгасининг ёки унинг қонуний вакили талаби бўйича икки иш куни ичида депо ҳисобдан кўчирма бериши шарт. УЗБАТ акциялари ва қимматли қоғозлари эгаси депо ҳисоб кўчирмасига унга тегишли бўлмаган, шунингдек, бошқа акция ва қимматли қоғозлар эгалари тўғрисида ҳамда уларга тегишли бўлган УЗБАТ қимматли қоғозлари сони тўғрисида маълумотларни киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.
- 10.8 Оддий УЗБАТ акцияларини бир шахсдан иккинчи шахсга берилиши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб, қоида ва талабларга мувофиқ амалга оширилади. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни сотиб олувчисига ўрнатилган тартибда сотиб олувчининг депо ҳисоби бўйича тегишли кирим ёзуви киритилган кундан бошлаб ўтади ва қонун билан белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобидан олинган кўчирма билан тасдиқланади. Бироқ, тасдиқланаётган акциялар ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган кундан бошлаб сотиб олувчи шахсга ўтади.
- 10.9 УЗБАТ Акциядорлари Реестрида рўйхатга олинган Акциядор ўзи тўғрисидаги ўзгарган маълумотларни унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисоб-китобини олиб бориш бўйича хизматларни кўрсатувчи депозитарийга ўз вақтида хабар бериши лозим. Акциядор ўзи тўғрисидаги ўзгарган маълумотларни бермаган тақдирда, Марказий депозитарий ва унинг акцияларга бўлган ҳуқуқларини ҳисоб-китобини олиб бориш бўйича хизматларни кўрсатувчи депозитарий Акциядорга шу муносабатдан етказилган зарар учун жавобгар бўлмайдилар.
- 10.10 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ УЗБАТ умумий қиймати Устав Фондининг 20% (йигирма фоиз) дан ошмайдиган миқдорда имтиёзли акциялар чиқариши мумкин. УЗБАТни тугатишда имтиёзли акциялар эгалари акцияларининг номинал қийматини оддий акциялар эгалари орасида мол-мулк тақсимланишдан олдин тўлиқ оладилар. Агар тақсимланадиган мол-мулкнинг миқдори акцияларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, имтиёзли акциялар эгалари оддий акциялар бўйича олинадиган мол-мулк миқдорига қўшимча ҳақ оладилар.
- 10.11 УЗБАТ томонидан акцияларга эркин айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилса, бу хилдаги эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиш муддати давомида эркин айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим. УЗБАТ ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.
- 10.12 УЗБАТ овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган ҳақи пул билан тўланадиган акциялар ва эмиссион қимматли қоғозларни жойлаштира, УЗБАТнинг овоз берувчи акцияларни эгалари бўлмиш Акциядорлар уларга тегишли овоз берувчи акциялар миқдорига мутаносиб тарзда ушбу қимматли қоғозларни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эгадир. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган акциялар ва қимматли қоғозларни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати жамиятнинг акциядорлари реестридаги ушбу қимматли қоғозларни муомалага чиқариш қарорини қабул қилиш санасидаги маълумотлар асосида тузилади. Имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав бандлари билан белгиланади.

Имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек, бундай қарорнинг амал қилиш муддати Акциядорлар Умумий Йиғилиши томонидан Акциядорлар Умумий Йиғилишида иштирок этувчи овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак. Имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахслар рўйхати акциядорларнинг реестридаги ушбу қимматли қоғозларни муомалага чиқариш қарорини қабул қилиш санасидаги маълумотлар асосида тузилади.

- 10.13 УЗБАТ облигациялар ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа қимматли қоғозларни жойлаштиришга ҳақли. Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш тартиби, сони ва шартлари Акциядорларнинг Умумий Йиғилиш қарори билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.
- 10.14 УЗБАТ мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча акцияларни чиқариш учун очиқ ва ёпиқ обуна ўтказиш ҳуқуқига эга.
- 10.15 УЗБАТ акциялари ва бошқа қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пул қийматига эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкӣ ҳуқуқлар) билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришда УЗБАТ акциялари учун ҳақ тўлашнинг шакли уларни чиқариш тўғрисидаги қарор билан белгиланади.
- 10.16 Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг Устав Фондини жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини уларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида сотиб олиш тўғрисидаги қарори асосида, шунингдек УЗБАТ Кузатув Кенгашининг қарори асосида – кейинчалик уларни ўрнатилган тартибда қайта сотиш мақсадида, УЗБАТ ўзи жойлаштирган акцияларни сотиб олишга ҳақли. Акцияларни сотиб олишда ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пул қийматига эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан, мулкӣ ҳуқуқлар) билан амалга оширилади. Акциялар учун ҳақ тўлашнинг шакли акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарор билан ўрнатилади. УЗБАТ акцияларини сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган тартиб ва чекловларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.
- 10.17 Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ УЗБАТ жойлаштирилган акцияларни йириклаштиришга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида УЗБАТнинг икки ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айирбошланади. Бунда ушбу уставга УЗБАТнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.
- 10.18 Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра УЗБАТ жойлаштирилган акцияларни майдалашни амалга оширишга ҳақли бўлиб, бунинг натижасида УЗБАТнинг бир акцияси худди шу турдаги икки ёки ундан ортиқ акцияга айирбошланади. Бунда ушбу уставга УЗБАТнинг жойлаштирилган акцияларининг номинал қийматига ва сонига тааллуқли тегишли ўзгартишлар киритилади.
- 10.19 Вазиятлар келиб чиққанда ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акциялар эгалари бўлмиш Акциядорлар УЗБАТдан уларга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилишга ҳақли.
- 10.20 Акциядорлардан акцияларни сотиб олиш имтиёзли ҳуқуқи.
- 10.20.1. УЗБАТ Акциядорларининг сони 50 (элик)тадан ошмагунига қадар:

- 10.20.1.1. УЗБАТ акциядорлари УЗБАТнинг бошқа Акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида уларнинг ҳар бири эгалик қилган акцияларнинг миқдорига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга.
- 10.20.1.2. УЗБАТ ўзининг Акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа эга, агар УЗБАТнинг бошқа Акциядорлари ўзларининг имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлсалар.
- 10.20.2. Ўз акцияларини сотувчи Акциядор қолган Акциядорлар ва УЗБАТга ёзма равишда ўз акцияларини сотиш истаги тўғрисида учинчи шахсга таклиф қилинаётган нарх ва шартларни кўрсатган ҳолда билдиришнома юбориши шарт.
- 10.20.3. Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд УЗБАТ орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Акциядорлар сотаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби ва муддатлари ушбу уставда белгиланган, бунда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўн (10) кундан кам ва ўттиз (30) кундан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 10.20.4. Агар Акциядорлар акцияларни сотиб олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқларини юқорида кўрсатилган муддатларда тўлиқлигича ва/ёки қисман ишлатишмаган бўлишса, УЗБАТ ўзининг Акциядорлари сотаётган акцияларни сотиб олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқини ўз акцияларини сотувчи Акциядорга ёзма равишда учинчи шахсга таклиф қилинган нарх ва шартлар бўйича сотиб олинаётган акциялар сони кўрсатилган аризани юбориш йўли билан амалга ошириши мумкин. Бундай ариза ўз акцияларини сотаётган Акциядор ва УЗБАТга акциялар сотилиши тўғрисидаги таклиф олинган пайтдан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмасдан юборилиши лозим.
- 10.20.5. Имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугатилади, агар унинг тугашидан олдин УЗБАТ Акциядорларидан ва УЗБАТдан имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш ёки ундан воз кечишлари тўғрисида ёзма аризалар олинган бўлса. Имтиёзли ҳуқуқ бошқаларга берилишига йўл қўйилмайди. Ўз акцияларини сотувчи Акциядор имтиёзли ҳуқуқнинг амал қилиш муддати тугамагунга қадар мазкур Уставнинг 10.20.4. бандига биноан ўз акцияларини учинчи шахсларга сотишга ҳақли эмас.

11. ДАРОМАДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

- 11.1 УЗБАТнинг хўжалик фаолияти натижасида олинган фойдаси, амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича солиқлар тўланганидан сўнг УЗБАТ мулки бўлиб қолади ва УЗБАТнинг фондларини тузиш ва амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставга мувофиқ акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун ишлатилади.
- 11.2 Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг УЗБАТ ихтиёрида қоладиган, Акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми ҳисобланади. УЗБАТ акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.
- 11.3 УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши қарорига биноан дивидендлар пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар қимматли қоғозлар билан тўланишига йўл қўйилмайди.
- 11.4 Дивидендлар Акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

- 11.5 УЗБАТ йилнинг ҳар чораги, ҳар ярим йиллиги, молиявий йилнинг тўққиз ойи натижалари ва (ёки) молиявий йил натижалари бўйича жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир. УЗБАТнинг йилнинг ҳар чораги, ҳар ярим йиллиги, молиявий йилнинг тўққиз ойи натижалари ва молиявий йил натижалари бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор тегишли давр тугаганидан сўнг 3 (уч) ой давомида қабул қилиниши мумкин.
- 11.6 Дивидендлар УЗБАТнинг тасарруфида қолувчи жорий йилнинг натижалари ва/ёки ўтган йиллардаги тақсимланмаган соф фойдасидан тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар УЗБАТнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.
- 11.7 Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор УЗБАТ Кузатув Кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисобот маълумотлари, агар унинг ишончилигини тасдиқловчи аудиторларнинг хулосаси мавжуд бўлганда, асосида Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар миқдори УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан тавсия қилинган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши муайян турдаги акциялар бўйича дивидендлари тўламаслик, шунингдек дивидендлар миқдори жамият Уставида белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ бўлмаган миқдорда тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендларни тўлаб бериш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўланиши бошланиши ва тугатилиш саналари кўрсатилиб ўтилган бўлиши шарт. Дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан кечиктирилиши мумкин эмас.
- 11.8 УЗБАТ дивидендлар миқдорини уларга солинадиган солиқларни ҳисобга олмасдан эълон қилади. УЗБАТ тўланадиган дивидендларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи ва УЗБАТнинг расмий веб-сайтларида эълон қилади.
- 11.9 УЗБАТ акциядорлари Реестрига киритилган Акциядорлар дивидендларни олиш ҳуқуқига эга, бу Реестр дивидендларни эълон қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган.
- 11.10 Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёки меросхўри томонидан 3 (уч) йил давомида талаб қилинмаган дивидендлар Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши қарори билан УЗБАТ ихтиёрида қолади.
- 11.11 Дивидендларни тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда, УЗБАТ мазкур акциялар сақловчиларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. УЗБАТ имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашга рад этган тақдирда, Акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. УЗБАТ етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса, ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар фақат ушбу мақсад учун ташкил этилган УЗБАТ Захира Фонди ҳисобидан ва ана шу Фонд доирасидагина тўланиши мумкин.
- 11.12 УЗБАТ тузилган шартномага мувофиқ дивидендларни Марказий депозитарий ва (ёки) инвестиция возитачилари орқали тўлаш ҳуқуқига эга.
- 11.13 Ўзбекистон Республикасининг норезидент Акциядорлари хоҳишига биноан, белгилаб қўйилган тартибда улар олган дивидендларни ушбу дивидендлар ҳисоблаб чиқарилган санада амалда бўлган курс қиймати бўйича эркин алмаштириладиган

валютага айирбошлаб бериши шарт, ва норезидент Акциядор томонидан тақдим этилган банк ҳисобига маблағларни ўтказиб бериши шарт. УЗБАТ томонидан тасдиқланган Акциядорлар Реестридан кўчирмалар ҳамда тўланган дивидендлар суммаси ва улар ёзилган сана тўғрисида бухгалтерия томонидан берилган маълумотнома айирбошлаш учун асос бўлади.

11.14 УЗБАТ акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ва қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас:

11.14.1 УЗБАТ Устав Фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунча;

11.14.2 агар дивидендлар тўланадиган пайтда УЗБАТда ночорлик (банкротлик) белгилари мавжуд бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида УЗБАТда шундай белгилар пайдо бўлса;

11.14.3 Агар УЗБАТ соф активларининг қиймати унинг Устав фонди ва Захира Фонди миқдоридан кам бўлса.

12. УЗБАТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

12.1 УЗБАТда соф фойда ҳисобидан:

- Захира Фонди;
- Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши белгилаган, УЗБАТ фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондлар ташкил этилади.

12.2 Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, УЗБАТнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, УЗБАТнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва УЗБАТнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. УЗБАТнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

12.3 УЗБАТнинг Захира Фондининг миқдори Устав Фондининг 25% (йигирма беш фоизи)ни ташкил қилади. Фойда ҳисобидан Захира Фондига ўтказиладиган йиллик ажратмаларнинг миқдорини УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши белгилайди, аммо бу миқдор ушбу банд белгиланган миқдорга етганига қадар соф фойданинг 5% (беш фоиздан) кам бўлмаслиги керак.

12.4 Агар Захира Фонди бутунлай ёки қисман ишлатилган бўлса, мажбурий ажратмалар қайтадан бошланади.

13. УЗБАТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

13.1 УЗБАТ Акциядорлари ушбу Уставда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

13.2 Акциядорлар ўз ҳуқуқларини амалга оширишларида бошқа Акциядорларнинг қонун томонидан ҳимоя қилинувчи ҳуқуқларини бузмасликлари лозим.

13.3 Акциялардан воз кечишга қўйилган чекловлар Акциядорни-ушбу акциялар эгасини УЗБАТни бошқаришда иштирок этиш ва қонунда белгиланган тартибда улар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

14. УЗБАТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

14.1 Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши, Кузатув Кенгаши ҳамда Бош Директор УЗБАТнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

- 14.2 Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши УЗБАТнинг олий бошқарув органи деб ҳисобланади.
- 14.3 Бош Директор УЗБАТни ягона Ижро Органи ҳисобланади.
- 14.4 Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши, Кузатув Кенгаши ва Дирекция мажлисларини ўтказиш, сайлаш тартиби ва ваколатлари ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИ

- 15.1 Акциядорларнинг Умумий Йиғилишлари Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишлари ва Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишларига бўлинади.
 - 15.1.1. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши бир йилда камида бир маротаба, молия йили туганидан сўнг кўпи билан 6 (олти) ой ичида чақирилади.
 - 15.1.2. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлари Навбатдан ташқари йиғилишлар деб ҳисобланади. Акциядорларнинг Навбатдан ташқари Умумий Йиғилишлари зарурат туғилганда чақирилади.
- 15.2. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишида қуйидагилар мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади:
 - 15.2.1. УЗБАТнинг йиллик ҳисоботи ва УЗБАТнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Ривожланиш стратегияси фаолиятнинг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда унинг аниқ шартларини белгилаган ҳолда,
 - 15.2.2. УЗБАТ фойдаси ва зарарларини тақсимлаш,
 - 15.2.3. УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига тааллуқли аудиторлик ташкилотининг ва Тафтишчининг ҳисоботи,
 - 15.2.4. УЗБАТнинг фаолияти ва молиявий ҳолати тўғрисида УЗБАТ Бош Директорининг ҳисоботи,
Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда УЗБАТ ривожланиш стратегияси;
 - 15.2.5. УЗБАТ Акциядорлари ўртасида дивидендларни тақсимлаш,
 - 15.2.6. УЗБАТ Кузатув Кенгашини сайлаш,
 - 15.2.7. УЗБАТ Санок Комиссияси аъзоларини тайинлаш,
 - 15.2.8. УЗБАТ Тафтишчисини тайинлаш,
 - 15.2.9. Бош Директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш), агар ушбу Устав билан Кузатув Кенгашига берилган ваколатларга мувофиқ УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан Бош Директор тайинланиб бўлмаган бўлса,
 - 15.2.10. УЗБАТ Кузатув Кенгашининг Узбат томонидан корпоратив бошқарувни тартибга солувчи қонунчилик нормаларига риоя этилиши юзасидан ҳисоботи.
- 15.3. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши Акциядорлар, Кузатув Кенгаши қарорларига ва УЗБАТ Бош Директори тавсиясига асосан ушбу Уставда ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда УЗБАТнинг фаолиятига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиши мумкин.
- 15.4. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишларида Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ваколатига кирадиган, Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишигача вужудга келган ва зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўрилади.

- 15.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказиладиган санаси, уни ўтказиш тўғрисида Акциядорларга хабар бериш шакли, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш вақтида Акциядорларга бериладиган материаллар (ахборот) рўйхати УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан ушбу Устав ва қонунчилик билан белгиланади. УЗБАТ Бош Директори Кузатув Кенгаши билан келишилган ҳолда Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларини чақириш ва ўтказишни ташкил қилиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради.
- 15.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишда умумий йиғилишда масофавий иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш, кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш имкониятини таъминлаш учун ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишида масофавий иштирок этиш ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофавий электрон овоз беришнинг умумий тартиби қимматли қоғозларни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

16. АКЦИЯДОРЛАР УМУМий ЙИВИЛИШИНING ВАКОЛАТЛАРИ

- 16.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:
- 16.1.1. УЗБАТ Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки УЗБАТнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш, ушбу Уставнинг 16.4 ва 25.2.20 бандларини ҳисобга олган ҳолда;
- 16.1.2. УЗБАТ Кузатув Кенгашининг ва Миноритар акциядорлар қўмитасининг миқдорий таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва улар ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш;
- 16.1.3. УЗБАТ ташкилий структурасини тасдиқлаш;
- 16.1.4. УЗБАТ Бош Директорини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш, ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.25 бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.5. УЗБАТ Бош Директорига тўланадиган ҳақ ва/ёки компенсациялар, уларнинг максимал миқдорининг белгиланиши, Ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.26. бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.6. УЗБАТ Тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш, шунингдек, Тафтишчи тўғрисида низомни тасдиқлаш;
- 16.1.7. Ўзбатнинг йиллик ҳисоботи ва ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш, Ўзбатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболлари, унинг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, унинг ўзига хос атамаларини белгилаш билан;
- 16.1.8. УЗБАТнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- 16.1.9. Кузатув Кенгаши томонидан тавсия этилган дивидендларни тақсимлаш бўйича таклифни тасдиқлаш;
- 16.1.10. УЗБАТнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.27. бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.11. УЗБАТ Устав Фондини камайтириш;
- 16.1.12. УЗБАТ Устав Фондини кўпайтириш, ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.20 бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.13. УЗБАТ ўз акцияларини сотиб олиши;
- 16.1.14. УЗБАТни қайта ташкил этиш;

- 16.1.15. УЗБАТни тугатиш, Ликвидатор (Тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- 16.1.16. эълон қилинган акцияларнинг энг катта миқдорини белгилаш;
- 16.1.17. қонун билан белгиланган ҳолларда йирик битимларни тузиш;
- 16.1.18. қонун ҳужжатларида белгилаган ҳолларда тузилишида манфаат мавжуд бўлган битимларни тузиш;
- 16.1.19. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг иш тартибини тасдиқлаш;
- 16.1.20. ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича, шунингдек, қонунда УЗБАТни бошқариш бўйича ўрнатилган талабларга амал қилиш масалалари бўйича УЗБАТ Кузатув Кенгаши ҳисоботлари ва Тафтишчининг ҳулосасини тинглаш;
- 16.1.21. УЗБАТ корпоратив облигацияларини, шунингдек, акцияларга айирбошладиган облигацияларни муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
- 16.1.22. ҳосила қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш, ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.23. бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.23. УЗБАТнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш, ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.24. бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.24. Ушбу Уставнинг 10.12. бандида назарда тутилган имтиёзли ҳуқуқидан фойдаланмаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш.
- 16.1.25. Акцияларни жойлаштириш (биржа ва биржадан ташқари ташкил қилинган қимматли қоғозлар бозорига чиқариш) нарҳини белиглаш, ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.21. бандларини инобатга олган ҳолда;
- 16.1.26. Акцияларни майдалаш ва консолидация қилиш;
- 16.1.27. УЗБАТ Саноқ Комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
- 16.1.28. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 16.1.29. Қонунчиликка мувофиқ ҳолда бошқа масалаларни ҳал қилиш;
- 16.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ваколатларига тегишли масалалар УЗБАТ Бош Директорига қарор чиқариш учун берилиши мумкин эмас;
- 16.3. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши ваколатларига тегишли масалалар Кузатув Кенгашига қарор чиқариш учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалардан ташқари:
 - 16.3.1. УЗБАТ Устав Фондини кўпайтириш, шунингдек УЗБАТ Устав Фондини кўпайтириш билан боғлиқ УЗБАТ Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
 - 16.3.2. Қонунга мувофиқ ҳолда, акцияларни жойлаштириш (биржа ва биржадан ташқари ташкил қилинган қимматли қоғозлар бозорига чиқариш) нарҳини белгилаш;
 - 16.3.3. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни, шунингдек, акцияларга айирбошладиган облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
 - 16.3.4. ҳосила қимматли қоғозларни муомалага чиқариш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
 - 16.3.5. жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - 16.3.6. УЗБАТнинг ижро этувчи органини ташкил қилиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан аввал бекор қилиш;
 - 16.3.7. УЗБАТнинг ижро органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар максимал миқдорини белгилаш;
 - 16.3.8. УЗБАТнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

16.4. Ушбу Уставнинг 25.2.20.-25.2.27. бандларига биноан, УЗБАТ Кузатув Кенгашига юқорида келтирилган 16.3.1.-16.3.8. бандларда кўрсатилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга, ушбу Уставда ўрнатилган тартибда. Агарда УЗБАТ Кузатув Кенгаши 16.3.1.-16.3.8. бандларда кўрсатилган масала бўйича қарор қабул қила олмаса, ушбу масала бўйича қарор УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши томонидан қабул қилинади.

17. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

17.1. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишида Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказилиши расмий эълон қилинган санадан 3 (уч) иш кунидан олдин ташкил қилинган УЗБАТ Акциядорлари Реестрига киритилган акциядорлар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

17.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг Реестрига ўзгартиришлар мазкур рўйхатга у тузилган санада киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки рўйхатни тузиш вақтида йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатлар билан белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

17.3. Акциядорнинг талабига биноан УЗБАТ унга Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг Реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

17.4. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг Реестрига киритилган Акциядорлар, уларнинг ишончли вакиллари, Аудиторлик ташкилоти, Кузатув Кенгаши аъзолари, Тафтишчи, Бош Директор қатнашиш ҳуқуқига эга. Кузатув Кенгаши аъзолигига ва Тафтишчини лавозимига номзодлар муҳокама қилинганда, кўрилаётган номзодлар Акциядорларнинг Умумий Йиғилишига таклиф этилишлари мумкин.

17.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларида иштирок этиш учун, Акциядорлар ёки уларни ишончли вакиллари Умумий Йиғилиш ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жойда ва вақтда рўйхатдан ўтишлари лозим.

17.6. Йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган Акциядорларни рўйхатга олиш Акциядорнинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида, Акциядорнинг ишончли вакиллари учун эса қўшимча равишда нотариал тарзда тасдиқланган ишончнома асосида амалга оширилади. Акциядор ҳар қандай вақтда Умумий Йиғилишда ўзининг вакилини алмаштириш ёки унда шахсан қатнашиш ҳуқуқига эга.

17.7. Юридик шахслар бўлган Акциядорларнинг рўйхатга олиниши қуйидагича амалга оширилади:

- юридик шахснинг раҳбари иштирок этса: лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ва ушбу юридик шахс раҳбари шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида;
- Акциядор бўлмиш юридик шахснинг ишончли вакили иштирок этганда: шундай юридик шахс раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ва ушбу юридик шахснинг муҳри қўйилган ишончнома асосида;

17.8. Агар Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказиш вақтида, Умумий Йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхати тузилган санадан кейин ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказиладиган санага қадар акциялар бошқа шахсга берилган бўлса, акцияларни бериб юборган шахс акцияларни сотиб олган

шахсга овоз бериш учун ишончнома бериши ёки акцияни сотиб олган шахснинг кўрсатмаларига мувофиқ Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овоз бериши шарт.

- 17.9. Агар УЗБАТ акцияси бир неча шахснинг умумий улушли эгалигида бўлса, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи уларнинг ихтиёрига кўра умумий улушли эгалик қатнашчиларининг биттаси томонидан ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади.
- 17.10. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишига келган Акциядорларни рўйхатга олиш Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар рўйхатига асосан амалга оширилади.
- 17.11. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг Реестрига асосан Акциядорларнинг рўйхатга олиш учун қайд этиш рўйхати тузилади. Қайд этиш рўйхати рисола ҳолига келтирилган, рақамланган, тикилган ва УЗБАТ муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак. Қайд этиш рўйхати Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларини ўтказишга доир бошқа ҳужжатлар билан бир қаторда УЗБАТ архивида сақланиши лозим.

18. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ЙИЛЛИК УМУМий ЙИҒИЛИШНИНГ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ

- 18.1. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарорни УЗБАТнинг Кузатув Кенгаши қабул қилади ва у:
 - 18.1.1. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш санаси, жойи ва вақтини белгилайди. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг санаси унинг ўтказилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан камида 10 (ўн) кундан кейин ва 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай белгиланиши мумкин.
 - 18.1.2. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши кун тартибини тасдиқлайди;
 - 18.1.3. ўтган йил бўйича УЗБАТнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоботларини кўриб чиқиб, кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тасдиқлаш учун киритиш ҳақида қарор қабул қилади;
 - 18.1.4. йиллик дивидендларни тўлаш масаласини кўриб чиқади, тўланадиган дивидендлар миқдорини тасдиқлайди ва ушбу масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тасдиқлаш учун киритади;
 - 18.1.5. УЗБАТ Акциядорларини Умумий Йиғилиш олиб бориш тўғрисида хабардор қилиш учун Акциядорлар Реестри тузилиш санасини белгилайди;
 - 18.1.6. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишини олиб бориш учун Акциядорлар Реестрини тузиш санасини тасдиқлайди;
 - 18.1.7. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисида Акциядорларга хабар бериш тартиби ва шаклини тасдиқлайди;
 - 18.1.8. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини белгилайди;
 - 18.1.9. Кузатув Кенгаши таркибига киритиладиган номзодларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ва ушбу масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тасдиқлаш учун киритади;
 - 18.1.10. Тафтишчи лавозимига киритиладиган номзодларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ва ушбу масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тасдиқлаш учун олиб киради;

- 18.1.11. УЗБАТ Бош Директор номзодини кўриб чиқади ва тасдиқлайди ва ушбу масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тасдиқлаш учун киритади, агар бундай қарор Кузатув Кенгаши томонидан ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.25. бандларига асосан қабул қилинмаган бўлса;
- 18.1.12. Санок Комиссияси таркибига киритиладиган номзодларни кўриб чиқади ва тасдиқлайди ва ушбу масалани Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишига тасдиқлаш учун киритади;
- 18.1.13. овоз бериш учун Бюллетен шаклини ва матнини тасдиқлайди;
- 18.1.14. УЗБАТ Кузатув Кенгашининг УЗБАТ томонидан қонун билан ўрнатилган корпоратив бошқарув меъёрларига амал қилиш бўйича Ҳисоботи лойиҳасини тинглайди ва тасдиқлайди;
- 18.2. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, УЗБАТнинг расмий сайтида, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Акциядорларга электрон манзилларига (агар акциядорлар реестрида кўрсатилган ёки акциядорларнинг ейъзлари кўрсатган электрон почта манзиллари бўлса) , - Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилиши 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмасдан, бироқ 30 (ўттиз) кундан олдин бўлмаган муддатда юборилади.
- 18.3. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ёзма хабарда қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим:
- 18.3.1. УЗБАТнинг тўлиқ номи ва жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- 18.3.2. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойи;
- 18.3.3. УЗБАТ Акциядорлари реестрини шакллантириш санаси;
- 18.3.4. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишининг кун тартибига киритилган масалалар;
- 18.3.5. Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда Акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан Акциядорларни таништириш тартиби.
- 18.3.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш тартиби, шу жумладан ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб
- 18.4. Акциядорларнинг Умумий Йиллик Йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда Акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга):
- 18.4.1. Ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган "УЗБАТ" нинг йиллик ҳисоботи ва ривожланиш стратегияси
- 18.4.2. УЗБАТ молия-хўжалик фаолиятини йиллик текшириш натижалари юзасидан УЗБАТ Тафтишчиси ва Аудиторлик ташкилотининг хулосаси;
- 18.4.3. УЗБАТ Кузатув Кенгашига ва УЗБАТ Тафтишчилари лавозимига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар;
- 18.4.4. УЗБАТ Кузатув Кенгашининг Бош Директор билан тузилган шартноманинг муддатини чўзиш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш имконияти бўйича хулосаси (агар Бош Директор билан қайта шартнома тузиш ёки бекор қилиш қарори Кузатув Кенгаши билан ушбу Уставнинг 16.4. ва 25.2.25. бандига мувофиқ қабул қилинмаган бўлса),
- 18.4.5. УЗБАТ Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар лойиҳаси, ёки УЗБАТ Уставининг янги таҳриридаги лойиҳаси киради.

Давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган ёки УЗБАТ Кузатув Кенгаши қарорига мувофиқ

ушбу рўйхат кўшилиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Акциядорларга тақдим этиладиган малумотлар (материаллар) акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи шахслар, шу жумладан ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда уни ўтказишдан олдин ва уни ўтказиш вақтида очиқ иўлиши керак.

- 18.5. УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1% (бир фоизига) эга бўлган УЗБАТ Акциядори (Акциядорлари) молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 60 (олтмиш) кун ичида, Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Кузатув Кенгаши ва Тафтиш Комиссиясига бу органларнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.
- 18.6. Акциядор (Акциядорлар) улар томонидан Кузатув Кенгаши ва Тафтишчилар лавозимига киритилган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан 3 (уч) иш кунидан кечикмасдан ўзгартириш киритишлари мумкин.
- 18.7. Акциядорлар Йиллик Умумий Йиғилишининг кун тартибига масалалар уларни кўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган Акциядорнинг исми (номини), унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

Кузатув Кенгашига аъзолик қилиш ва/ёки Тафтишчилар лавозимига номзодлар кўрсатилганда, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатилганда, номзоднинг исми, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод УЗБАТ акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатган Акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.
- 18.8. Кузатув Кенгаши барча тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Уставнинг 18.5. ва 18.6. бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг узоғи билан 10 (ўн) кун ичида уларни Акциядорларнинг Умумий Йиллик Йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.
- 18.9. Акциядор (Акциядорлар) киритган масала Акциядорларнинг Умумий Йиллик Йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар Кузатув Кенгаши ва Тафтишчилар лавозимига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - 18.9.1. Акциядор (Акциядорлар) ушбу Уставнинг 18.5. бандида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;
 - 18.9.2. Акциядор (Акциядорлар) ушбу Уставнинг 18.5. бандида назарда тутилган миқдордаги УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
 - 18.9.3. агар УЗБАТнинг сайланадиган органларига номзодлар тўғрисида маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
 - 18.9.4. таклифлар қонун ҳужжатларининг ва/ёки УЗБАТ Уставининг талабларига мувофиқ бўлмаса.
- 18.10. Кузатув Кенгашининг масалани Акциядорларнинг Умумий Йиллик Йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Кузатув Кенгашига ва Тафтишчилар лавозимига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги далил-исботли қарори ана шу масалани киритган ёки таклиф тақдим этган Акциядорга (Акциядорларга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан узоғи билан (3) уч иш кун ичида юборилади.

- 19. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШНИН ИҶТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШИ**
- 19.1. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши Кузатув Кенгаши томонидан у қуйидагилардан бундай йиғилиш чақирилиши ҳақида ёзма талабни олса, чақирилади:
- УЗБАТ Тафтишчисидан; ёки
 - талаб тақдим этилган санада УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизга) эга бўлган Акциядор (Акциядорлар)дан.
- 19.2. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақирилиши Тафтишчи ёки УЗБАТнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизга) эга бўлган Акциядорнинг (Акциядорларнинг) ёзма равишдаги Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан узоғи билан 30 (ўттиз) иш куни ичида амалга оширилади.
- 19.3. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилиши лозим.
- 19.4. Тафтишчи ёки УЗБАТнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизга) эга бўлган Акциядорнинг (Акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши кун тартибидagi масалаларнинг таърифига Кузатув Кенгаши ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.
- 19.5. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақириш талаби Акциядордан (Акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда йиғилишни чақиришни талаб қилаётган Акциядорнинг (Акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.
- 19.6. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақириш талабномаси Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.
- 19.7. Тафтишчининг ёки УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоиз) эга бўлган Акциядор (Акциядорлар) Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида Кузатув Кенгаши Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.
- 19.8. Тафтишчи ёки УЗБАТнинг овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизга) эга бўлган Акциядор (Акциядорлар)нинг талабига биноан Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, башарти:
- 19.8.1. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақиришни талаб қилаётган Акциядор (Акциядорлар) УЗБАТ овоз берувчи акцияларининг камида 5% (беш фоизга) эгаси бўлмаса;
- 19.8.2. Акциядорларининг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам Акциядорларининг Умумий Йиғилиши ваколатларига кирмаса;
- 19.8.3. кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.
- 19.9. Кузатув Кенгашининг Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги далил-исботли қарори қабул қилинган пайтдан эътиборан узоғи билан 3 (уч) иш куни

ичида Кузатов Кенгаши томонидан йиғилишни чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

- 19.10. Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.
- 19.11. 10 (ўн) иш куни ичида Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор ушбу Уставнинг 19.8. бандида кўрсатилмаган асослар бўйича қабул қилинган бўлса, Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин.
- 19.12. Бундай ҳолларда Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ҳаражатлар Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишининг қарорига биноан УЗБАТ маблағлари ҳисобидан копланиши мумкин.
- 19.13. Акциядорларга Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар бериш тартиби ва бундай хабар беришга бўлган талаблар мазкур Уставнинг 18.2. ва 18.3. бандлари қоидаларига мувофиқ бўлиши лозим.

20. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШЛАРИНИНГ КВОРУМИ

- 20.1. Агар Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, УЗБАТнинг жойлаштирилган тарқатилган овоз берувчи акцияларининг жами 50% (эллик фоиздан) ортигига эга бўлган Акциядорлар (уларнинг ишончли вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши (Йиллик, Навбатдан Ташқари) ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.
- 20.2. Йиғилиш бошланиши учун белгиланган вақтдан сўнг 30 (ўттиз) дақиқа давомида кворум тўпланмаса, Акциядорларнинг янги қайта Умумий Йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги Умумий Йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.
- 20.3. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига Акциядорларнинг янги чақирилган Умумий Йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жойлаштирилган овоз берувчи оддий акцияларининг жами 40% (қирқ фоиздан) кўпроқ овозга эга бўлган Акциядорлар (уларнинг ишончли вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу Умумий Йиғилишда кворум тўпланган ҳисобланади.
- 20.4. Акциядорларнинг янги Умумий Йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Уставнинг 18.2. ҳамда 18.3. бандларида назарда тутилган муддат ва шаклда амалга оширилади.
- 20.5. Кворум йиғилмаганлиги сабабли Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам бўлган муддатга кўчирилган тақдирда, Умумий Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар ўтказилмай қолган Умумий Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорларнинг Реестрига мувофиқ аниқланади.

21. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

- 21.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ишчи органлари бўлиб: Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Раиси, Санок Комиссияси ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Котиби ҳисобланади.
- 21.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини УЗБАТ Кузатов Кенгашининг Раиси олиб боради, узрли сабабга кўра у бўлмаган тақдирда – УЗБАТ Кузатов Кенгашининг бирор аъзоси томонидан олиб борилади. Кузатов Кенгаши Раиси ва аъзоларининг Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашиш иложиси бўлмаса,

Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши УЗБАТ Бош Директори томонидан олиб борилади.

- 21.3. Кузатув Кенгаши Котиби Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг Котиби деб ҳисобланади.
- 21.4. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Раиси йиғилиш ўтиш жараёнига раҳбарлик қилади, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.
- 21.5. Йиғилиш Котиби Йиғилишнинг ёзма Баённомасини тайёрлайди.
- 21.6. Кворум мавжудлигини аниқлаш учун овозларни санаш, шунингдек овоз бериш яқунларини аниқлаш мақсадида Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида Санок Комиссияси тузилади, унинг миқдор ва шахсий таркиби Кузатув Кенгашининг таклифига биноан Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланади.
- 21.7. Санок Комиссияси таркиби камида 3 (уч) кишидан иборат бўлиши керак. Санок Комиссияси таркибига Кузатув Кенгашининг аъзолари, Тафтишчи, Бош Директор, шунингдек, юқорида санаб ўтилган лавозимларга номзод қилиб кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.
- 21.8. Санок Комиссияси унга юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан йиғилишнинг мустақил доимий ишчи органи бўлиб ҳисобланади.
- 21.9. Санок Комиссиясининг ваколатлари муддати Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида сайланган санадан тегишли Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида (Йиллик ёки Навбатдан Ташқари) Санок Комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача давом этади.
- 21.10. Акциядорларнинг аввалги Умумий Йиғилиши томонидан сайланган Санок Комиссияси Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қуйидаги вазифаларни бажаради:
 - 21.10.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашиш учун Акциядорларни (уларнинг ишончли вакиллари) рўйхатга олади;
 - 21.10.2. ишончномалар ва улар берган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;
 - 21.10.3. овоз бериш учун Бюллетенлар ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг бошқа ахборот (материаллар)ни тарқатади;
 - 21.10.4. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг кворум мавжудлигини аниқлайди;
 - 21.10.5. Акциядорлар (уларнинг ишончли вакиллари) томонидан Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овоз бериш ҳуқуқларини амалга оширишлари муносабати билан юзага келадиган саволларни тушунтиради;
 - 21.10.6. овоз беришга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
 - 21.10.7. овоз беришнинг белгиланган тартиби ва Акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
 - 21.10.8. овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
 - 21.10.9. овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
 - 21.10.10. овоз бериш Бюллетенларни ва овоз бериш натижалари тўғрисида баённомани архивга топширади.
- 21.11. Умумий Йиғилиш Раиси таклифига ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиш қарорига мувофиқ Умумий Йиғилиш Раёсати тузилиши мумкин. Раёсат таркибига Акциядорлар ва/ёки уларнинг вакиллари, УЗБАТ Бош Директори, УЗБАТ Кузатув

Кенгаши аъзолари киритилиши мумкин. Умумий Йиғилиш Раёсатининг аъзолари сони ҳар қандай бўлиши мумкин. Умумий Йиғилиш Раёсатига номзодлар бўйича овоз бериш ўтказилмайди.

- 21.12. Умумий Йиғилиш Раёсати амалдаги қонунларга асосан Йиғилишнинг ишчи органи ҳисобланиб, қарорлар қабул қилиш ва/ёки Акциядорлар қабул қиладиган қарорларга таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас. Умумий Йиғилиш Раёсати ягона мақсадда, яъни Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг унумли ва аниқ ишини таъминлаш ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг регламентига риоя қилиниши устидан назорат қилиш мақсадида тузилади.
- 21.13. Кузатув Кенгаши аъзолари, Бош Директор, Тафтишчи ва Аудит ташкилоти улар акцияларга эга бўлмаган ёки Акциядорнинг вакили сифатида қатнашмаётган тақдирда, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашишлари ва овоз бериш ҳуқуқисиз уларда сўзга чиқишлари мумкин.

22. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИДА ОВОЗ БЕРИШ

- 22.1. Йиғилишда шахсан ёки ишончли вакили орқали қатнашувчи ҳар бир Акциядор, рўйхатга олинган ва эгаси ҳисобланган ҳар битта акцияси бўйича битта овоз бериш ҳуқуқига эга.
- 22.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш Бюллетенлари йордамида ёки ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади. Овоз бериш Бюллетенларининг шакли ва матни УЗБАТнинг Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади, Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилиши Кузатув Кенгаши томонидан қақирилмаган ҳоллардан ташқари.
- 22.3. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овоз бериш “УЗБАТнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” қондасига мувофиқ ўтказилади, агар УЗБАТ Уставида ёки қонунчиликда ўзгача белгиланмаган бўлмаса.
- 22.4. Овоз бериш Бюллетенида: УЗБАТнинг тўлиқ фирма номи, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказиш санаси ва вақти, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича “қўллаб қувватлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари (кумулятив овоз беришдан ташқари, бунда овозга қўйилган масала “қўллаб қувватлайман” сўзлари билан ифодаланади), овоз бериш Бюллетени Акциядор томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма акс эттирилган бўлиши лозим.
- 22.5. Кузатув Кенгаши аъзоси ёки Тафтишчини сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш Бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумот акс эттирилган бўлиши, яъни унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган бўлиши лозим.
- 22.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш бюллетенлари йордамида ёки ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади.
- 22.7. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида овозга қўйилган масала бўйича қарор Умумий Йиғилишда иштирок этаётган УЗБАТ овоз берувчи акциялари эгалари (оддий кўпчилик) бўлмиш Акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашувчи овоз берувчи акцияларига эга бўлган Акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат (малакали кўпчилик) кўпчилик овози билан қарор қабул қилинадиган ушбу Уставнинг 16.1.1., 16.1.14., 16.1.15.,

16.1.16., 16.1.17., 16.1.8. ва 16.1.20 бандларида кўзда тутилган масалалар бундан мустасно.

- 22.8. Овоз бериш Бюллетенлари ёрдамида овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш Бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.
- 22.9. Агар овоз бериш Бюллетенида овозга қўйилган бир неча масала акс эттирилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан 22.8. бандда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги Бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлмайди.
- 22.10. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши унинг кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.
- 22.11. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида олиб борилган овоз беришда овоз бериш натижалари Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида эълон қилинади ҳамда Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ёпилганидан сўнг, қонунда белгиланган тартиб ва муддатларда овоз бериш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.
- 22.12. Акциядор узрли сабабларга кўра Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

23. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

- 23.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг ўтказилиш тартиби (Регламенти) ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг ҳар бир Умумий Йиғилишида тасдиқланади.
- 23.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказиш тартиби йиғилишнинг давомийлигини ва нутқ ва танаффусларнинг тартиби, масалаларни муҳокама қилиш тартиби, масалалар ва маърузачиларга бўлган талаблар, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутди. Агар Умумий Йиғилишнинг бошида Акциядор(лар)да регламент бўйича қўшимча таклифлар вужудга келмаса, бу ҳолда Умумий Йиғилишни олиб бориш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича овоз берилмайди. Агар Акциядор(лар)да регламент бўйича қўшимча таклифлар вужудга келса, бу ҳолда бундай масалалар бўйича овоз бериш қўл кўтариш йўли билан амалга оширилади. Санок Комиссияси овозларни санайди ва овозларнинг оддий кўпчилик бўлганида, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.
- 23.3. Йиғилиш давомида вужудга келадиган жорий масалаларни Умумий Йиғилишнинг Раиси Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида муҳокама этилаётган масалалар бўйича ҳар бир қатнашувчи ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги бош тамойилидан келиб чиққан ҳолда яккабошчиликда ҳал қилади.
- 23.4. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда қатнашишни хоҳлаганлар Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Котибига муҳокама учун масалани кўрсатган ҳолда ёзма ариза берадилар.
- 23.5. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилинганидан ва Акциядорлар овоз бериш натижалари тўғрисида хабардор қилинганидан сўнг, Йиғилиш Раиси Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

24. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ

24.1. Умумий Йиғилиш Котиби:

24.1.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини олиб борилиш жараёнини ёзиб боради;

24.1.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Баённомасини рус ва инглиз тилларида икки нусхада тузади.

24.2. Умумий Йиғилиш Котиби Умумий Йиғилиш ўтказиш тўғрисида стенографик ҳисобот тузиш учун стенографистлардан фойдаланиши мумкин. Бундай стенографик ҳисобот Йиғилиш Котиби томонидан Умумий Йиғилиш Баённомасини тайёрлашда ишлатилади.

24.3. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Баённомасида:

24.3.1. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказиш жойи ва вақти;

24.3.2. УЗБАТнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган Акциядорлар овозларининг умумий сони;

24.3.3. йиғилишда иштирок этаётган Акциядорлар эга бўлган овозлар сони;

24.3.4. Йиғилиш Раиси ва Котибининг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими;

24.3.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг кун тартиби;

24.3.6. Нутқларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар, овоз беришнинг натижалари ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши қабул қилган қарорлари кўрсатилади.

24.4. Умумий Йиғилиш Баённомаси Йиғилиш Раиси ва Котиби томонидан имзоланади. Йиғилиш Раиси ва/ёки Котиб ҳар қандай Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Баённомасининг нусхасини ёки улардан кўчирмаларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

24.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Баённомаси Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади.

24.6. Овоз бериш яқунлари бўйича Санок Комиссияси овоз бериш яқунлари тўғрисида байоннома тузади, унга Санок комиссияси азолари томонидан имзоланади. Овоз бериш яқунлари баённомасида акциядорлар умумий йиғилишининг, шу жумладан ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказиладиган йиғилишда кворум мавжудлиги тўғрисидаги малумотлар киритилади.

24.7. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги Баённома Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

24.8. Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги Баённома тузилганидан ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Баённомаси имзоланганидан сўнг, қоғоз ёки электрон ташувчидаги акциядорларнинг овоз бериш Бюллетенлари Санок Комиссияси томонидан муҳрланади ва УЗБАТ архивига сақлаш учун топширилади.

25. УЗБАТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

25.1. Кузатув Кенгаши УЗБАТ фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав билан Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

25.2. УЗБАТ Кузатув Кенгаши ваколатига қуйидагилар киради:

25.2.1. УЗБАТ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилайди;

25.2.2. Акциядорларининг Йиллик ва Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишларини чақиради, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- 25.2.3. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишининг кун тартибини тайёрлайди;
- 25.2.4. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши ўтказилиш куни, вақти ва жойини белгилайди;
- 25.2.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун Умумий Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган Акциядорлар Реестрини тузиш санасини белгилайди;
- 25.2.6. амалдаги қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган масалаларни Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши муҳокамасига киритади, шунингдек УЗБАТ Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалалар ва УЗБАТ Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш;
- 25.2.7. УЗБАТ мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкиллаштириш;
- 25.2.8. УЗБАТнинг Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида тасдиқланиши учун УЗБАТ Санок Комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркиби бўйича таклифларни тасдиқлайди;
- 25.2.9. Ички аудит хизматини тузиш ва унинг ишчиларини тайинлаш, ички аудит хизмати ишчиларини ишига баҳо беради (аттестация ўтказиши) ҳамда унинг ҳар чораклик ҳисоботини тинглайди. УЗБАТ Ички аудит хизмати тўғрисида Низомини тасдиқлайди;
- 25.2.10. аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 25.2.11. УЗБАТ Тафтишчига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан тавсиялар беради;
- 25.2.12. дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар беради;
- 25.2.13. УЗБАТнинг Захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 25.2.14. шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш/тугатиш;
- 25.2.15. филиалларни ташкил этиш/тугатиш ва УЗБАТ ваколатхоналарини очиш/ёпиш;
- 25.2.16. амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;
- 25.2.17. амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш бўйича қарорлар қабул қилади;
- 25.2.18. УЗБАТнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ шартномаларни қонун билан ўрнатилган тартибда тузиш;
- 25.2.19. УЗБАТ Бош Директорининг УЗБАТ бизнес-режасини бажариш бўйича чорак ҳисоботларини тинглаш ва тасдиқлаш;
- 25.2.20. УЗБАТ Устав Фондини кўпайтириш, шунингдек УЗБАТ Устав Фондига УЗБАТ Устав Фондининг кўпайтирилиши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришларни киритиш;
- 25.2.21. Қонунга таянган ҳолда акцияларни жойлаштириш (биржа ва ташкил қилинган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорига чиқариш) нархини аниқлайди;
- 25.2.22. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шунингдек акцияларга конвертация қилинувчи облигацияларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 25.2.23. ҳосила қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- 25.2.24. жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 25.2.25. УЗБАТнинг ижро этувчи органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан аввал тугатиш;
- 25.2.26. УЗБАТ Ижро этувчи органи ва Ижро этувчи орган раҳбарига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини ўрнатиш;
- 25.2.27. УЗБАТнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлайди. Бунда УЗБАТнинг кейинги йил учун бизнес-режаси УЗБАТ Кузатув Кенгаши йиғилишида жорий йилнинг 1 декабрь кунига қадар тасдиқланиши шарт.
- 25.2.28. қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Кузатув Кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш;
- 25.2.29. УЗБАТнинг Ижро этувчи органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланади, ва УЗБАТ Ижро этувчи органидан Кузатув Кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олади. Олинган ҳужжатлар УЗБАТ Кузатув Кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат иш мақсадида фойдаланиши мумкин.
- 25.3. УЗБАТнинг корпоратив бошқарувини тартибга солувчи қонунчилик нормаларига риоя этилиши юзасидан УЗБАТ Акциядорларининг Йиллик Умумий Йиғилишларида ҳисобот беради;
- 25.4. Кузатув Кенгаши ваколатларига киритилган масалалар Ижро этувчи органга ҳал қилиш учун ўтказилиши мумкин эмас.
- 25.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг қарори бўйича УЗБАТ Кузатув Кенгаши аъзоларига улар ўз ваколатларини бажарган даврлари учун ҳақ ва/ёки Кузатув Кенгаши аъзоларининг вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатлар тўлаб берилиши мумкин.

26. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

- 26.1. УЗБАТнинг Кузатув Кенгаши 5 (беш) аъзодан иборат. Кузатув Кенгашининг миқдорий таркиби УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишининг қарори билан ўзгартирилиши мумкин.
- 26.2. УЗБАТ Кузатув Кенгаши аъзолари Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши билан амалдаги қонунлар ва УЗБАТ Уставида кўрсатилган тартибда 3 (уч) йил муддатга сайланади.
- 26.3. Кузатув Кенгаши аъзоси қуйидаги ҳолларда Кузатув Кенгаши таркибидан автоматик тарзда чиқади:
 - 26.3.1. Унга қонун билан Кузатув Кенгаш аъзоси вазифасини бажариш ман этилган бўлса;
 - 26.3.2. У суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилса;
 - 26.3.3. У жиноят учун суд томонидан судланган бўлса;
 - 26.3.4. У руҳий касал деб тан олинса ва Кузатув Кенгашнинг бошқа аъзолари фикри бўйича ўз ишини тўғри юрита ололмайди деб ҳисобланса; ёки
- 26.4. Кузатув Кенгаши таркибига мазкур Уставнинг 26.3.1-26.3.4 бандларининг талаблари тааллуқли бўлган шахслар сайланишлари мумкин эмас.
- 26.5. УЗБАТ Кузатув Кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши қарори билан Кузатув Кенгашининг ҳар қандай аъзосининг (барча аъзоларининг) ваколатлари муддатдан олдин тугатилиши мумкин.

- 26.6. УЗБАТда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган шахслар Кузатув Кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 26.7. Кузатув Кенгаши аъзолари Кузатув Кенгашининг у ёки бу қарорларининг қабул қилинишига таъсир ўтказиш учун бевосита ва билвосита равишда ҳақ олиш ҳуқуқига эмас.
- 26.8. Кузатув Кенгаши аъзолари УЗБАТ имкониятларидан (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, УЗБАТ фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) шахсан бойиш мақсадида фойдаланишга ҳақлари йўқ.
- 26.9. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши УЗБАТ Кузатув Кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўшимча талаблар қўйиши мумкин.
- 26.10. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир Акциядорга тегишли бўлган овозлар сони УЗБАТ Кузатув Кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади, ва Акциядор бундай йўл билан олган овозларини тўлиқлигича битта номзодга бериши мумкин ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп сон овоз тўплаган номзодлар Кузатув Кенгаши таркибига сайланган ҳисобланади.

27. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ВА КОТИБИ

- 27.1. Кузатув Кенгаши аъзолари сайланган Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ўтказилганидан сўнг ўтказиладиган Кузатув Кенгашининг биринчи мажлисида Кузатув Кенгаши аъзолари ўзлари орасидан Кузатув Кенгашининг Раисини мажлисда қатнашаётган ва овоз бераётган Кузатув Кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан оддий кўпчилик овоз билан сайланади.
- 27.2. УЗБАТ Кузатув Кенгаши ўз Раисини Кузатув Кенгаши аъзоларининг мажлисида қатнашувчи ва овоз берувчиларнинг овозларнинг кўпчилиги билан қайта сайланиши мумкин.
- 27.3. Кузатув Кенгашининг Раиси:
- 27.3.1. Кузатув Кенгашининг ишини ташкил этади;
- 27.3.2. Кузатув Кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади;
- 27.3.3. Кузатув Кенгаши мажлисларида Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси юритилишини ташкил этади;
- 27.3.4. УЗБАТ номидан Бош Директорни ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномани тузади, агар Кузатув Кенгаши бундай ваколатларни бошқа шахсга тақдим этмаса.
- 27.4. Кузатув Кенгашининг Раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув Кенгаши аъзоларининг бири бажаради.
- 27.5. Кузатув Кенгаши аъзолари УЗБАТ Кузатув Кенгаши ва Акциядорларнинг Умумий Йиғилишлари баённомаларини юритадиган Кузатув Кенгашининг Котибини тайинлайдилар.

28. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

- 28.1. Кузатув Кенгашининг мажлислари зарурият туғилганда ўтказилади.
- 28.2. Кузатув Кенгашининг мажлиси Кузатув Кенгашининг Раиси томонидан:
- 28.2.1. Кузатув Кенгашининг ўз ташаббуси билан;
- 28.2.2. Кузатув Кенгашининг аъзоси талабига биноан;

- 28.2.3. Тафтишчининг талабига биноан;
- 28.2.4. Бош Директорнинг талабига биноан
чақирилади.
- 28.3. Кузатув Кенгашининг мажлисини чақириш ташаббускори билдиришнома юбориш йўли билан Кузатув Кенгаши аъзоларини хабардор қилиши керак.
- 28.4. Кузатув Кенгаши мажлисини чақириш тўғрисида билдиришномада:
- 28.4.1. Кузатув Кенгашининг мажлисини ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- 28.4.2. Мажлиснинг кун тартиби кўрсатилиши керак.
- 28.5. Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси шундай билдиришномани олганидан сўнг 10 (ўн) кун давомида кун тартибига киритиш учун қўшимча масалалар рўйхатини Кузатув Кенгаши Раисига юбориш ҳуқуқига эга.
- 28.6. Кузатув Кенгашининг Раиси келиб тушган барча таклифларни (агар бундай таклифлар келиб тушса) қўриб чиқади, ва зарур бўлганда, мажлис кун тартибининг якуний кўринишини тайёрлайди ва Кузатув Кенгаши аъзоларига юборади.
- 28.7. Кузатув Кенгаши аъзоси томонидан киритилган масала Кузатув Кенгаши мажлисининг кун тартибга киритилиши лозим, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:
- 28.7.1. Кузатув Кенгаши аъзоси ушбу Уставнинг 29.5. бандида кўзда тутилган муддатга рия элмаганида;
- 28.7.2. Таклиф қонунга ва/ёки УЗБАТ Устави талабларига мос келмаганида.
- 28.8. Кузатув Кенгаши мажлисида кун тартибида кўрсатилган масалалар қўриб чиқилади. Бироқ, УЗБАТ Кузатув Кенгашининг барча аъзоларининг бир овоздан қабул қилган қарори билан Кузатув Кенгаши кун тартибига қўшимча масалаларни қўшиши ва қўриб чиқиши мумкин.
- 28.9. Кузатув Кенгаши мажлислари телефон конференция тизими ёки мажлисда шахсан қатнашиш йўли билан ўтказилиши мумкин. Кузатув Кенгашининг ҳар қайси аъзоси мажлисда шахсан қатнашишини иложи бўлмаса, телефон орқали қатнашиши ва овоз бериши мумкин. Бунда Кузатув Кенгашининг Раиси шундай таклиф тушганда телефон алоқасини ташкил қилиш бўйича барча чораларини кўриши лозим. Агар мажлисда қатнашаётган Кузатув Кенгашининг ҳар қандай аъзоси билан телефон алоқаси узилиб қолса, телефон алоқаси тиклангунча мажлис тўхтатиб турилади.
- 28.10. Кузатув Кенгаши қарорлари Кузатув Кенгашининг барча аъзоларининг бир овоздан сиртдан овоз бериш (сўров ўтказиш йўли) билан қабул қилиниши мумкин. Кузатув Кенгашининг бундай қарорлари Ёзма Резолюция билан расмийлаштирилади. Бундай Ёзма Резолюцияларга кворум ҳамда Кузатув Кенгашининг мажлисида овоз бериш тартибига оид мазкур Уставнинг қоидалари қўлланилади. Ёзма равишда расмийлаштирилган ва Кузатув Кенгашининг шу санада ҳақиқий бўлган аъзолари томонидан имзоланган Ёзма Резолюция (қабул қилинган қарорни бир манода маъқулловчи) Кузатув Кенгаши мажлисида тегишли тартибда қабул қилинган резолюция билан бир хил кучга эга ҳисобланади. Бундай Ёзма Резолюция битта ёки бир неча бир хил шаклдаги, ҳар бири Кузатув Кенгашининг битта ёки бир неча аъзолари томонидан имзоланган ҳужжатларда ўз ифодасини топади.
- 28.11. Кузатув Кенгаши мажлисида баённома олиб борилади. Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис олиб борилган кундан 10 (ўн) кундан кечиктирмай тузилади.
- 28.12. Кузатув Кенгаши баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:
- 28.12.1. ўтказилиш санаси, дойи ва вақти;

- 28.12.2. мажлисда қатнашган шахслар;
 - 28.12.3. мажлис кун тартиби;
 - 28.12.4. овозга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
 - 28.12.5. қабул қилинган қарорлар.
- 28.13. Кузатув Кенгаши Котиби УЗБАТ Кузатув Кенгашини мажлислар баённомаларини юритиб боради.
- 28.14. УЗБАТ Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси УЗБАТ Кузатув Кенгашининг мажлисида иштирок этаётган аъзолари томонидан имзоланади, ва улар баённома тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгардирлар.
- 28.15. УЗБАТ Кузатув Кенгаши мажлисининг баённомаси ижро этилиши учун УЗБАТнинг Ижро этувчи органига у имзоланган куни топширилади. Кузатув Кенгаши томонидан Акциядорларнинг Умумий Йўғилишини чақириш тўғрисидаги қарорни қабул қилганда, бундай қарор тўғрисидаги маълумот УЗБАТнинг Ижро этувчи органига Кузатув Кенгаши мажлиси ўтказиладиган кунда топширилади.

29. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН КВОРУМ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

- 29.1. Кузатув Кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув Кенгашига сайланган аъзолари сонининг 75% (етмиш беш фоиз)ини ташкил этади.
- 29.2. Кузатув Кенгаши аъзоларининг сони 75% (етмиш беш фоиз)дан кам бўлиб қолса, Кузатув Кенгашининг янги таркибини сайлаш учун УЗБАТ Акциядорларининг Навбатдан Ташқари Умумий Йўғилишини чақириши шарт. Кузатув Кенгашининг қолган аъзолари фақат ана шундай Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йўғилишини чақириш тўғрисидагина қарор қабул қилишга ҳақлидир, шунингдек Ижро этувчи орган раҳбарининг ваколатлари муддатидан аввал тугатилса, вақтинча унинг вазифаларини бажарувчи шахс тайинланади.
- 29.3. Кузатув Кенгаши мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлган ва овоз бераётган Кузатув Кенгаши аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, бироқ Кузатув Кенгаши аъзолари яқдиллик билан овоз беришлари талаб қилинганда, 25.2.20, 25.2.16, 25.2.17 ва 25.2.22 бандларида кўрсатилган қоидалар бундан мустаснодир. Кузатув Кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганида Кузатув Кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.
- 29.4. Кузатув Кенгаши қарор қабул қилишда аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда УЗБАТ Кузатув Кенгаши Раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.
- 29.5. Кузатув Кенгашининг бир аъзоси томонидан ўз овозини Кузатув Кенгашининг бошқа аъзосига берилишига йўл қўйилмайди.

30. БОШ ДИРЕКТОР

- 30.1. Бош директор УЗБАТнинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади.
- 30.2. Бош Директор УЗБАТнинг Кузатув Кенгаши томонидан мазкур Уставнинг 16.4. бандидаги қоидаларни инобатга олган ҳолда тайинланади. Бош Директор лавозимига қўйиладиган номзодларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича Кузатув Кенгаши қарорлари мажлисда қатнашувчи ва овоз берувчи Кузатув Кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 30.3. Бош Директор лавозимига номзод уни жиной, маъмурий ва ўзга жавобгарликка тортилганлик ҳолатлари тўғрисида Кузатув Кенгаши аъзоларига маълум қилиши шарт. Кузатув Кенгаши Раиси ёки УЗБАТ Кузатув Кенгашининг ишончли вакили Бош

Директор лавозимига қўйиладиган номзодларни меҳнат шартномасини тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун ҳақининг миқдори тўғрисида хабардор қилади.

- 30.4. Бош Директор лавозимига қўйиладиган номзодлар, уларнинг номзоди кўриб чиқиладиган Кузатув Кенгашининг мажлисида қатнашишлари мумкин.
- 30.5. Кузатув Кенгаш томонидан Бош Директор киритилган номзод маъқулланганидан сўнг, Бош Директор билан уч йил муддатга меҳнат шартномаси тузилади, уни шу муддатга узайтириш ёки тугатилиши имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади. Бош Директор билан меҳнат шартномасини имзолаш ҳуқуқи Кузатув Кенгаши Раиси ва/ёки Кузатув Кенгаши томонидан ваколат берилган шахсга тақдим этилади. УЗБАТ Бош Директори билан имзоланувчи шартномада унинг УЗБАТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ва УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгашига УЗБАТ йиллик бизнес-режасининг бажарилиб бориши бўйича унинг томонидан бериладиган ҳисоботларнинг даврийлиги назарда тутилган бўлиши шарт ва ўрта ёки узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган УЗБАТни ривожлантириш стратегияси.
- 30.6. Бош Директор бошқа ташкилотлар бошқарув органларида ишлашига УЗБАТ Кузатув Кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.
- 30.7. Бош Директор Устав, УЗБАТнинг ички меҳнат тартиб қоидалари, меҳнат шартномаси шартлари ёки меҳнат қонун ҳужжатларини кўпол бузган, ўз ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан УЗБАТга зарар етказганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан четлатилиши ва бир вақтнинг ўзида меҳнат шартномасини бекор қилиниши мумкин. Бош Директорни лавозимидан четлатилиши ва у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Кузатув Кенгаши мажлисида қатнашувчи ва овоз берувчи Кузатув Кенгашининг аъзоларини кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 30.8. УЗБАТ Кузатув Кенгашининг томонидан УЗБАТ Бош Директори ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, Бош Директор ваколатларини бошқа шахсга берилиш масаласи Кузатув Кенгашининг ўша мажлиснинг ўзида ҳал қилиниши мумкин, ёки УЗБАТ Бош Директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда, Кузатув Кенгашининг энг яқин мажлисида кўрилиши учун қолдирилиши мумкин.

31. УЗБАТ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 31.1. УЗБАТ Бош Директори УЗБАТ номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга.
- 31.2. Бош Директор ваколатларига УЗБАТнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Кузатув Кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.
- 31.3. Бош директор қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - 31.3.1. УЗБАТ номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, бошқа ташкилот ва органлар, шу жумладан ҳукумат ва давлат органлари билан ўзаро муносабатларда УЗБАТнинг манфаатларини намоён этиш;
 - 31.3.2. УЗБАТни ўз ваколатлар доирасида бошқариш ва мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;
 - 31.3.3. УЗБАТнинг ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат масалалари бўйича кундалик хўжалик фаолиятини бошқариш;
 - 31.3.4. контрактлар ва шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномаларини тузиш;

- 31.3.5. УЗБАТ ходимларидан меҳнат шартномаси билан боғлиқ ишларнинг мақбул бажарилиши, ички меҳнат тартиби қоидаларига ва УЗБАТнинг амалдаги бошқа қоида ва низомларига риоя этилишини талаб қилиш;
- 31.3.6. УЗБАТ ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш юзасидан ҳуқуқни бошқа шахсга бериш;
- 31.3.7. УЗБАТ ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузишда улар учун хизмат ва тижорат сирини ташкил этадиган маълумотлар ҳажми ва таркибини белгилаш;
- 31.3.8. УЗБАТ номидан ишончномалар бериш;
- 31.3.9. банкларда УЗБАТнинг ҳисоб рақамларини очиш ва ёпиш;
- 31.3.10. битимлар тузиш, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши мутлақ ваколатига мувофиқ тузиладиган битимлар бундан мустасно;
- 31.3.11. УЗБАТ Уставида кўзда тутилган доирада мол-мулкни ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- 31.3.12. УЗБАТ фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича унга бўйсунувчи барча ходимлар учун мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш,
- 31.3.13. УЗБАТ ходимлари меҳнат интизомини бузган тақдирда, уларга нисбатан интизомий таъсир чораларини кўриш, шунингдек бу ваколатларни бошқаларга бериш;
- 31.3.14. УЗБАТ ходимларини рағбатлантириш;
- 31.3.15. УЗБАТ штат жадвалини тасдиқлаш, УЗБАТга малакали ходимлар қабул қилинишини таъминлаш;
- 31.3.16. банк ҳужжатларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатини тасдиқлаш;
- 31.3.17. УЗБАТ номидан жамоа музокараларга киришиш ва жамоа шартномаларни тузиш;
- 31.3.18. унинг ваколатига қирадиган айрим масалаларни ҳал этишни таркибий бўлимлар раҳбарларига топшириш;
- 31.3.19. Кузатув Кенгаши билан келишилган ҳолда Акциядорларнинг Умумий Йиғилишларини ўтказиш ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади, шу жумладан Акциядорларга Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказилиши тўғрисида билдиришномалар юборади, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган зарур бўлган барча ҳужжатларни тайёрлайди ва барча бошқа масалаларни ҳал қилади.
- 31.3.20. Компаниянинг коллегиял ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланмайдиган УЗБАТ Дирекцияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди, Дирекция аъзолари билан меҳнат шартномаларини тузиш.
- 31.4. УЗБАТ Бош Директори мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
- 31.4.1. ўз ваколати доирасида УЗБАТнинг жорий фаолиятига унинг самарали ва барқарор ишини таъминлаган ҳолда раҳбарлик қилиш, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишининг ёки Кузатув Кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- 31.4.2. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва Кузатув Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкиллаштириш;
- 31.4.3. УЗБАТнинг ишлаб чиқариш бирликлари, цехлар ва бошқа таркибий бўлинмаларининг унумли ўзаро муносабатини таъминлаш;
- 31.4.4. УЗБАТ шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган фойда олинишини таъминлаш;

- 31.4.5. УЗБАТнинг ривожланиш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларнинг бажарилишини ташкил қилиш ва назорат қилиш;
- 31.4.6. УЗБАТ йиллик бизнес-режасини бажарилиш жараёни бўйича йилнинг ҳар чорагида ҳисоботларни Кузатув Кенгашига тақдим этиш;
- 31.4.7. УЗБАТ фаолиятида қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш;
- 31.4.8. УЗБАТда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлигини таъминлаш, тегишли органларга ўз вақтида йиллик ҳисоботи ва бошқа молиявий ҳисоботини, шунингдек Акциядорларга, кредиторларга ва бошқаларга УЗБАТнинг фаолияти ҳақида маълумотларни тақдим этиш;
- 31.4.9. Кузатув Кенгаши, Тафтишчи ва Аудиторлик ташкилоти талаби бўйича УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни қаршиликсиз тақдим этиш;
- 31.4.10. тегишли органларга давлат статистика ҳисоботларини тўлиқ ва ўз вақтда тақдим этишни таъминлаш;
- 31.4.11. УЗБАТнинг тижорат сирларини ташкил этадиган ахборотни сақланишини таъминлаш, агар унинг вазифалар доирасига бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш кирмаса;
- 31.4.12. УЗБАТ ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини сақланишини таъминлаш;
- 31.4.13. УЗБАТни малакали ходимлар билан таъминлаш, УЗБАТ ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг унумли ҳолда фойдаланиш бўйича чоралар кўриш;
- 31.4.14. меҳнат ва технология интизомни таъминлаш;
- 31.4.15. УЗБАТ ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя этилишини таъминлаш;
- 31.4.16. иш берувчи сифатида жамоа шартномалари ва битимларни тузишда қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- 31.4.17. ўзининг ваколатига кирадиган ишларнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда Акциядорларнинг Умумий Йиғилишига ва Кузатув Кенгашига тақдим этиш;
- 31.4.18. амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ахборотларни олиш, Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашиш, дивидендларни ҳисобланиши ва тўланиши бўйича Акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя этиш;
- 31.4.19. УЗБАТнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларига амал қилиш.
- 31.4.20. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ва/ёки Кузатув Кенгаши унга ўтказиши мумкин бўлган бошқа мажбуриятларни бажариш.

32. УЗБАТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ВА БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 32.1. УЗБАТ Кузатув Кенгаши Раиси ва Бош Директор ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарганда УЗБАТ манфаатини кўзлаган ҳолда амал қилиши ва ўрнатилган тартибда жавобгар бўлиши шарт.
- 32.2. Агар ушбу 32-модданинг бандлари талабларига биноан жавобгарликни бир нечта одам олса, уларнинг УЗБАТ олдидаги жавобгарлиги биргаликдаги (солидар) ҳисобланади. Бунда УЗБАТга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорларни қабул

қилишида қатнашмаган ёки бундай қарорга қарши овоз берган Кузатов Кенгашининг аъзолари жавобгарликка тортилмайдилар

- 32.3. Бош Директор УЗБАТ мол-мулкини тасарруф этишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўйиши мумкин эмас.
- 32.4. Бош Директор аъзолик даврида фаолияти УЗБАТ маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бош Директор УЗБАТда лавозимга тайинланганида, худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши шарт.
- 32.5. УЗБАТ ёки жойлаштирган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1% (бир фоизи)га эга бўлган Акциядор (Акциядорлар) УЗБАТга етказилган зиёнларни қоплашни даъво қилиб УЗБАТ Кузатов Кенгашининг аъзоси ва/ёки Бош Директорига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

33. МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАР ҚЎМИТАСИ

- 33.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида УЗБАТда улар ҳисобидан миноритар акциядорлар қўмитаси тузилиши мумкин.
- 33.2. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси таркибига номзодлар бўйича таклифлар УЗБАТга мазкур Уставнинг 18.5. ва 18.6. бандларида назарда тутилган тартиб ва муддатларда киритилади.
- 33.3. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси аъзоларини сайлашда Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида қатнашувчи ва УЗБАТ Кузатов Кенгашига ўз номзодларини киритмаган ёки ўтказилаётган Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида номзодлари Кузатов Кенгашига сайланмаган Акциядорлар иштирок этади.
- 33.4. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси таркибига Бош Директор, Тафтишчи ҳамда УЗБАТ Кузатов Кенгашига сайланган шахслар кириши мумкин эмас. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси ваколатларига қўйидагилар кириди:
- 33.5. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши ёки УЗБАТ Кузатов Кенгашининг муҳокамасига киритиладиган йирик битимлар ва манфаатдор шахслар билан шартномалар тузиш масалалари бўйича таклифларни тайёрлашда қатнашиш;
- 33.6. Миноритар акциядорларнинг уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиш;
- 33.7. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатларни киритиш;
- 33.8. Бошқа масалаларни қонунга ва УЗБАТ Устави билан мувофиқ ҳолда кўриб чиқиш;
- 33.9. Миноритар Акциядорлар Қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик билан қабул қилинади. Миноритар Акциядорлар Қўмитасининг мажлислари унинг миқдорий таркибидан уч чораги иштирок этганда, қонуний кучга эга бўлади.
- 33.10. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 3 (уч) кишидан иборат.
- 33.11. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси ҳар йил Акциядорларнинг Умумий Йиғилишида ҳисобот беради.
- 33.12. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси Раиси Миноритар Акциядорлар Қўмитаси аъзолари томонидан қўмита таркибидан кўпчилик овози билан сайланади. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси Раиси Миноритар Акциядорлар Қўмитаси ваколатларига тегишли барча саволлар бўйича УЗБАТ ҳужжатларини кўриш ҳуқуқига эга.

- 33.13. Миноритар Акциядорлар Қўмитасининг фаолият тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.
- 33.14. Миноритар Акциядорлар Қўмитаси УЗБАТнинг хўжалик фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.
- 33.15. Кузатув Кенгаши ёки УЗБАТ Ижро этувчи органи томонидан Миноритар Акциядорлар Қўмитаси фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

34. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ-КИТОБИ ВА ҲИСОБОТИ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ.

- 34.1. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва Буюк Британияда умум қабул қилинган бухгалтерия амалиётига биноан, УЗБАТ ўз бухгалтерия ҳисоб-китобини ва молиявий ҳисоботларини рус ва инглиз тилларида олиб боради ва тақдим этади.
- 34.2. УЗБАТда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва аниқлиги, йиллик ва бошқа молиявий ҳисоботларни тегишли давлат органларига ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек Акциядорлар, кредиторларга УЗБАТнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида УЗБАТ фаолияти тўғрисида тақдим этиладиган маълумотлар учун Бош Директор Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.
- 34.3. Акциядорларнинг Умумий Йиғилишига тақдим этиладиган УЗБАТнинг йиллик ҳисоботида, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоботида маълумотларининг ишончилиги УЗБАТ ёки унинг Акциядорлари билан мол-мулк манфаатлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.
- 34.4. УЗБАТ Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши УЗБАТНИНГ ташқи аудитори сифатида ҳамда УЗБАТда ҳар йили тафтиш ўтказиш ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун УЗБАТ билан мулкӣ манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик фирмасини тайинлайди.
- 34.5. УЗБАТнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг Умумий Йиғилишини ўтказиш санасидан 30 (ўттиз) иш кунидан кечиктирмай Кузатув Кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланиши лозим.
- 34.6. УЗБАТ ўз фаолиятига тегишли ҳужжатларни сақлаши шарт. Сақланиши шарт бўлган ҳужжатларнинг рўйхати қонун ва мазкур Устав билан белгиланади.
- 34.7. УЗБАТ ўз Акциядорларига қонунда назарда тутилган ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқини беради; бухгалтерия ҳисоб-китоби ҳужжатлари ҳамда УЗБАТ Бош Директори буйруқлари ва УЗБАТ Акциядорлари Реестри бундан мустасно.
- 34.8. УЗБАТ УЗБАТ тўғрисидаги маълумотларни қонун билан белгиланган тартиб ва муддатларда ошқора қилиши шарт.

35. УЗБАТ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ: ТАФТИШЧИ, АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ, ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

- 35.1. УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши томонидан УЗБАТ Уставига мувофиқ 3 (уч) йилга муддатга Тафтишчи сайланади.
- 35.2. Тафтишчи у сайланган Акциядорларнинг Йиллик Умумий Йиғилиши тугаганидан бошлаб то Акциядорларнинг келгуси Йиллик Умумий Йиғилиши тугагунига қадар ўз лавозимини эгаллайди. Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши Тафтишчининг ваколати

муддати тугагунча чакириб олиш ҳуқуқига эга. Бир шахс УЗБАТ Тафтишчиси лавозимига кетма-кет 3 (уч) мартадан қўп сайланиши мумкин эмас.

- 35.3. УЗБАТ Тафтишчиси фаолияти тартиби, шунингдек, Тафтишчига бўлган квалификацион талаблар мазкур Устав билан УЗБАТ Акциядорларинг Умумий Йиғилиши томонидан тасдиқланадиган Низом билан белгиланган.
- 35.4. УЗБАТ ходими Тафтишчи бўла олмайди. УЗБАТнинг Тафтишчиси бир вақтнинг ўзида Кузатув Кенгаши аъзоси бўла олмайди, шунингдек УЗБАТнинг бошқарув органларида бошқа мансабларни эгаллашга ҳақли эмас. Кузатув Кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларида мансабларга эга бўлган шахсларга тегишли акциялар УЗБАТнинг Тафтишчисини сайлашда қатнашиши мумкин эмас.
- 35.5. Тафтишчининг вазифасига ушбу Устав қоидалари ҳамда қонун талабларига мувофиқ УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш киради. УЗБАТ Тафтишчиси талабига биноан УЗБАТнинг ижро этувчи органларда лавозимга эга бўлган шахслар унга молиявий-хўжалик фаолият тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.
- 35.6. УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир йил ёки бошқа давр давомидаги фаолияти яқунлари бўйича Тафтиш Комиссияси ташаббуси билан, Акциядорларнинг Умумий Йиғилиши, Кузатув Кенгашининг қарорлари, УЗБАТнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 5% (беш фоизига) эга бўлган Акциядор (Акциядорлар) талабига биноан амалга оширилади, УЗБАТ Кузатув Кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан.
- 35.7. УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текшируви натижалари бўйича Тафтишчи хулоса ёзади, унга қуйидагилар кириши керак:
- УЗБАТ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг аниқлигининг баҳоси,
 - Бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш ва молиявий ҳисоботни тақдим қилиш тартиби, шунингдек, УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолиятини олиб боришда қонунни бузиш ҳолатлари тўғрисида маълумот.
- 35.8. УЗБАТ Тафтишчиси амалдаги қонун ҳамда мазкур Уставга мувофиқ, Акциядорларнинг Навбатдан Ташқари Умумий Йиғилишини чакирилишини талаб қилишга ҳақли.
- 35.9. Тафтишчи УЗБАТда аффилиланган шахслар билан тузилган шартномалар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни имзолашда қонун ва УЗБАТнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши тўғрисида хулосани ҳар чорак УЗБАТ Кузатув Кенгаши мажлиси эътиборига олиб чиқади. Юқоридаги 35.7. банддаги маълумотларни ўз ичига олган хулоса УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишида тингланади.
- 35.10. УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари аудиторлик ташкилот томонидан текширилади. Аудиторлик ташкилоти ва аудитни ўтказиш хизматлари учун тўланадиган ҳақ миқдори УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.
- 35.11. Аудиторлик ташкилоти УЗБАТнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширади ва аудиторлик хулосасини қонунда белгиланган тартибда у билан тузилган шартномага мувофиқ УЗБАТга тақдим қилади. Аудиторлик ташкилоти УЗБАТ олдида молиявий ҳисоботлар ва УЗБАТнинг бошқа молиявий маълумотлари тўғрисида нотўғри натижалар кўрсатилган аудиторлик хулосасини тузиши натижасида етказилган зарар учун УЗБАТ олдида жавобгар бўлади.
- 35.12. УЗБАТнинг Ижро этувчи органи, филиаллари ва ваколатхоналари олиб бораётган ишини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида, улар томонидан қонунга, УЗБАТ Уставига ва бошқа ҳужжатларга амал қилишларини, бухгалтерия ҳисоб-китоби ва молиявий

ҳисоботларда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини таъминлаш, ҳўжалик операцияларини амалга ошириш бўйича ўрнатилган қоидалар ва тартибларга риоя қилиниши, активларнинг бутунлиги, шунингдек қонунчилик томонидан УЗБАТни бошқаришқа доир талабларнинг амалга оширилишини текшириш ва мониторинг қилиш йўли билан, УЗБАТда УЗБАТнинг Ички Аудит Хизмати тузилади.

35.13. УЗБАТнинг Ички Аудит Хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ, амалдаги қонунлардан келиб чиққан ҳолда УЗБАТ Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Ички Аудит Хизмати тўғрисидаги Низом асосида ўз фаолиятини юритади.

36. ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

36.1. УЗБАТ Акциядорларининг Умумий Йиғилишида шахсан ёки ишончли вакил орқали қатнашган ва овоз берувчи Акциядорларнинг 75% (етмиш беш фоизи) (малакали кўпчилик) билан маъқуллаган қарори бўйича тугатилиши мумкин. ёки суд қарори билан, ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асосларга кўра тугатилиши мумкин. Агар УЗБАТ тугатилаётганда, УЗБАТнинг Акциядори давлат бўлса, Тугатиш Комиссияси таркибига давлат мол-мулкани бошқариш ваколатига эга орган вакили киритилади.

36.2. Жамиятни тугатиш жараёни тугатилган ва УЗБАТ ўз фаолиятини ваколатли рўйхатга олиш органи томонидан юридик шахсларнинг умумий давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан эътиборан тугатган деб ҳисобланади.

36.3. УЗБАТни қайта ташкил этиш Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

36.4. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда УЗБАТни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин. УЗБАТни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

36.5. Қайта ташкил қилиш йўли билан янги вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатига олиш ва қайта ташкил қилинган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилиши тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун билан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

36.6. Рўйхатга олувчи орган янги вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатига қайта ташкил қилиниши сабабли тугатилаётган жамиятнинг қимматли қоғозларни чиқариш ҳуқуқини берувчи давлат регистрациясини бекор қилганидан, шунингдек, юридик шахслар умумий давлат реестридан чиқарилганидан сўнг уни рўйхатдан ўтказди.

36.7. УЗБАТ янги вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатига олинган вақтдан қайта ташкил этилган ҳисобланади, қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш бундан истисно. УЗБАТ бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил қилинганда, қўшиб юборилган юридик шахс (жамият)нинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув юридик шахсларнинг умумий давлат реестрига киритилган вақтдан бошлаб УЗБАТ қайта ташкил қилинган деб ҳисобланади.

37. ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЛАР ВА ТИЛ

37.1. Мазкур Уставни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларидир.

37.2. Устав рус, ўзбек ва инглиз тилларида тузилган.

38. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

38.1. Юридик ва жисмоний шахслар билан УЗБАТнинг ишлари бўйича барча низолар тегишли суд ёки ваколатли органларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

39. БИЛДИРИШНОМАЛАР

39.1. Агар ушбу Уставда бошқача кўрсатилган бўлмаса, мазкур Устав билан талаб қилинадиган ёки рухсат этадиган ҳар қандай билдиришнома, илтимос, келишув ёки бошқа хат-хабарлар (йиғма ҳолда "Билдиришнома"), ёзма шаклда, электрон почта орқали, шахсан ёки буюртма почта орқали юборилиши керак.

39.2. Ҳар қандай билдиришноманинг ҳақиқий етказилган санаси бўлиб:

39.2.1. Электрон почта орқали-юборилган сана

39.2.2. Бирор шахс орқали бериб юборилганда - етказилган кун;

39.2.3. буюртма почта орқали – жўнатиловчи хатни қабул қилган почта бўлимнинг почта штемпелидаги сана;

39.3. Агар адресат билдиришномани олган кун шанба, якшанба ёки байрам кунига тўғри келса, кейинги биринчи иш куни ҳақиқий етказилган сана бўлиб ҳисобланади.

39.4. Шахсан етказилганда етарли даражадаги далил бўлиб тўғри манзилгоҳга етказиш далили бўлади.

Ушбу устав аксиядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши томонидан икки минг йигирма иккинчи йил йигирма йеттинчи (27) май куни қабул қилинган.

Темур Гадайбаев

АЖ "УЗБАТ А.О." ҚҚнинг
Бош Директори

